

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOII-
SIYOSII
GAZETA

2003-YIL ■ 25-NOYABR ■ SESHANBA ■ 137-138 (27.158) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БОЛГАРИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 ноябрь куни давлат ташрифи билан Болгарияга жўнаб кетди.

— Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги алоқалар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ривожланмоқда, — деди давлатимиз раҳбари Софияга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида. — Дўстона муносабатларимиз халқларимиз бошига қийин кунлар тушганда, айниқса, яқол намойён бўлган. Хусусан, ўтган асрда Тошкентда содир бўлган зилзила оқибатларини тугатишда Болгария ҳам ақиндан ёрдам берган эди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва иқтимоий муносабатлар ҳам ана шу дўстона ишонч руҳида тараққий этмоқда. Бир сўз билан айтганда, алоқаларимизни ривожлантиришда сиёсий жиҳатдан муаммо йўқ.

Бироқ, бизни сўнгги пайтда иқтисодий алоқаларимиз анча сустлаша бошлагани ташвишга солаётди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробарга камайиб кетгани кузатилди. Ўзбекистонда ҳам, Болгарияда ҳам экспортбоп маҳсулотлар кўп. Аммо бу борада икки мамлакат ишбилармонлари етарли тасаввурга эга эмаслиги ва бозорни яхши ўрганишга жиддий эътибор бермаётгани иқтисодий алоқаларимизни кенгайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, мазкур алоқаларни ривожлантиришга икки томонда ҳам қизиқиш катта.

Болгарияга ташрифимиз давомида Президент Георги Парванов ҳамда ҳукумат ва парламент раҳбарлари билан музокаралар ўтказиб, мазкур масалаларни атрафлича муҳокама этамиз, мавжуд муаммоларга биргаликда ечим қидирамиз. Икки давлат ўртасида турли соҳада ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришни кўзда тутишни ўн бешга яқин ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Улар орасида солиқ, транспорт, божхона соҳаларига оид бир қанча муҳим ҳужжатлар бор.

Болгария коммуникация нуқтани назардан ҳам бизга яхши шерик бўла олади. Ташрифимиз давомида Бургас шаҳрида Болгария транспорт салоҳиятининг тақдироти режалаштирилган. Унда мамлакатларимиз ўртасида коммуникация соҳасидаги алоқалар масаласи муҳо-



кама этилади. Шунингдек, Ўзбекистон билан Болгария халқаро ТРАСЕКА лойиҳаси доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиш истиқболга эга.

Сўнгги йиллари Болгария Европа Иттифоқи ва Шимолий Альянсга интеграциялашув йўлида муҳим қадамлар ташлади. 2004 йили у Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига (ЕХХТ) раислик қилади. Яқинда эса НАТОга қабул қилинади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон билан Болгария ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор.

Санджурод РАХИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

София, 24 ноябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистонлик олий мартаба-ли мەхмоннинг давлат ташрифи муносабати билан Болгария пойтахти аэропорти, кўча ва хиёбонлари икки мамлакат байроқлари билан безатилди. София марказидаги «Авлиё Александр Невский» майдонида фахрий қорувул саф тортиди.

Майдонга Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Болгария Президенти Георги Парванов кириб келди. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қорувул саф олдидан ўтди. Шу тарихи мамлакатимиз раҳ-

барининг Болгария Республикасига давлат ташрифи бошланди. Президентларнинг юзма-юз суҳбатидан олдин Ўзбекистон Президенти хайрли ишга қўл урди — Номаълум асқар қабрига гул қўйиб, Болгариянинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо этганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон ва Болгария раҳбарларининг мулоқоти давомида икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи сиёсий жабҳада жадал ривожланётганини, лекин савдо-иқтисодий алоқалар бора-сида қониқарсиз эканлигини таъ-

кидлаб, ишбилармон доиралар вакиллари учун кенг имкониятлар яратиб беришга оид масалани муҳокама қилди. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Болгария ҳукуматлараро комиссиясининг ташриф арасида ўтган сеессияси яқунлари кўриб чиқди.

Суҳбат чоғида транспорт коммуникациялари ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор берилди.

Халқаро миқёсдаги муаммолар орасида террорчилик ва экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг гайриқонуний савдоси президентларнинг диққат-марказида бўлди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибидagi музокарасида Ўзбекистон — Болгария муносабатларини сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий-техникавий йўналишларда кенгайтиришга доир талай масалалар муҳокама қилинди. Бунда, айниқса, иқтисодий соҳага алоҳида эътибор қаратилар экан, товарлар ва хизматларнинг нархи ёки икки мамлакатнинг ўртасидаги масофанинг нисбатан узоклиги эмас, кўпроқ ҳуқуқий асоснинг етарли даражада тақомиллаштирилмагани асосий тўсиқ бўлаётгани қайд қилинди.

Музокарада эришилган натижалар ҳақида унинг ақнида имзоланган ҳужжатлар тўлиқ тасаввур беради. Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлари ўртасида Даромад ва мулкка икки томонлама солиқ солишдан қочиш тўғрисидаги битим, Ветеринар-санитария конвенцияси, Темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Халқаро алмашлаб юк ташиш тўғрисидаги битим, Ноқонуний яшиб юрган шахсларни қайта қабул қилиш тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Анжуманда томонлар музокаралардан тўла қониқиш ҳосил қилгани таъкидланди.

Оқшом Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига Болгария Республикаси Президенти номидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Болгарияга давлат ташрифи давомида.

(ЎЗА)
Суратда: ташриф пайти.
Дилшод ЮСУПОВ
(ЎЗА) олган сурат

Дмитрий Тодаров, Христо Опришанов каби мутахассислар фаол иштирок этишганди. Қолаверса, ўзбек-болгар ҳамкорлиги жуда узок даврларга бориб тақалади...

Хуллас, яқинда бизга божиноа хизматининг ҳам рухсат берди. Мамлакатингизга ҳозирча фирмамиз маҳсулоти — касса аппаратларининг кичикроқ бир туркумини олиб келишни бошладик ҳам. Навбатда — таксометрлар турибди. Ҳозирча фирмамиз номидан барча амалий ва савдо-сотиқ алоқаларини Ўзбекистонда яхши ном қозонган «Бултекс» қўшма корхонаси олиб бораётди. Уйлайманки, кўп ўтмай бундай ҳамкорликни бевосита ўз-ўзимиз ҳам йўлга қўямиз...

Жаноб Маханов ҳижоси Ўзбекистон ва Болгария мамлакатларининг ўзаро иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари тобора илдириб отиб, унинг ҳамкорлик доираси яна ҳам кенгайиб замонавийлашиб бораётганидан ёрқин далolat.

Замон АЛИ

биркорлик фаолияти юритаётган ҳамюртим Андриян Георгиев туртки берди. У Ўзбекистоннинг иқтисодий шароитини ва республика қонунларини яхши билади. Кўп йиллари, «Вариант» ўзбек-болгар қўшма корхонасига раҳ-

Мамлакатимизда чет эл сармоядорлари учун яратилган қўлай имкониятлардан болгариялик тадбиркорлар ҳам самарали фойдаланиш ва ўзбекистонлик ҳамкорлари билан баҳамжиҳат ишлаш йўлиларини қидирмоқдалар. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, томонлар учун ҳам иқтисодий, ҳам савдо-сотиқ соҳасида ўзаро манфаатли бу ҳамкорлик пайдоворига Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йилда Болгарияга қилган биринчи сафаридек тамал тоши қўйилганди. Хар икки мамлакат ахли Юртовшиимизнинг Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов тақлифига биноан бу галги давлат ташрифидан ҳам кенг доирадаги ҳамкорликнинг катта истиқболларини кўзмоқда.

Мамлакатимиз ички бозори билан гўят қизиқган Болкондаги машур болгар фирмаларидан бири — «Дэйз»нинг ижрочи директори Евгений МАНАХОВ яқинда Тошкентда бўлди.

— Ун уч йилдики фирмамиз,

— дейди у биз билан суҳбатда, — назорат-касса аппаратлари, электрон тарозилар, таксометрлар сингари маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Уларга талаб ҳозир нафақат ўз мамлакатимиз корхоналарида, балки Европадаги кўпгина

кучи билан «Мерседес» ва «Пежо» автомобиллари учун ишлаб чиқарилаётган «Элит-микро» ва «Элит-мобил» ҳамда сўнгги — портиват таксометрлар қайта-қайта зардалаш мумкин бўлган батареялар билан ҳам бир неча сотлаб берилди.

Хозир у тиббий маҳсулотлар ва мебелозликка ихтисослашган «Bulandro» LTD фирмасининг президенти. Девоқчиманки, ўзбек ва болгар халқлари ҳамкорлик ришталари яқин бир-икки йилда эмас, балки анча олдин боғланган тарихга эга. Ҳатто Сирдарё ГРЭСИ иншоотида Шўртан газини олиб келишдек катта қурилиш ишларида, у ердаги улкан қувурларни ётқириш жараёнида ҳам болгариялик — Стоил Велинов,

малол ишлайверади. Бу таксометрларни келгусида сизларда ишлаб чиқарилаётган «Тико» ва «Матиз» автомобилларига ҳам ўрнатса бўлади, деб уйлайман. Зеро, бугунги кунда Сизлар — Ўзбекистон ҳам дунёда автомобиль ишлаб чиқараётган мамлакатларда қаторига қўшилдингиз. Бу — гўят катта ютуқ!

Яна бир муҳим жиҳат — сизлардаги сармоядорлар учун қўлай имкониятлардан фойдаланиб, бизнинг фирмамиз тадбиркорлари бу ерда касса аппаратлари, таксометрлар ва бошқа электрон техника воситаларига хизмат кўрсатувчи сервис хизматлари ҳам ташкил этиш бўлади.

Менинг мамлакатингиз билан қизиқувимга асосан бу ерда ўн йилдан ортқ вақтдан буён тад-

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ
Жаноби Олийларига
Мухтарам Президент Жаноблари,
Сизни Америка халқи номидан Рамазон ҳайити муносабати билан муборакбод этаман.
Бутун жаҳон мусулмонлари учун муҳим бўлган ушбу айёмда биз Ўзбекистон фуқароларига энг эзгу ниятларимизни йўллаймиз.

Рамазон бошланиши муносабати билан ёзган мактубингизда, Сиз келгуси йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланиши барча соҳалар бўйича кенг миқёс касб этишига умид қилишингизни билдирган эдингиз. Мен ҳам шундай умиддаман.

Самимият ила,
Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ
Жаноби Олийларига
Жаноби Олийлари,
Мен ва Ҳазрати Олиялари Сиз Жаноби Олийларини муқаддас Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан қизгин табриклар, самимий тилакларимизни ихзор этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақкам соғлиқ тилаймиз ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги мақбул ва дўстона муносабатлар янада гуллаб-яшнавереди, деб умид қиламиз.

Яратган Аллоҳ Сиз Жаноби Олийларига бахт-саодат ва Ўзбекистон Республикаси халқига тинчлик ва фаровонлик ато этсин.

Туанку Сайед Сиражуддин
Путра Жамалуллоҳ
Янг Ди-Пертун АҒОН XII,
Малайзия Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ
Жаноби Олийларига
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху!

Қутлуғ Ийд ал-Фитр кириб келиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этаман.

Мусулмон халқлар аввалгидан кўпроқ бир-бирларига яқинлашиши билан уларнинг кун сайин равақ топиши ва иззат-икромларининг ортиши учун имкониятлар яратилди ҳамда дўстлик ва биродарлик ришталари янада мустақкамланиб боради, дея умид қиламан.

Худованди қаримдан Ўзбекистон халқига муваффақиятлар, юксалиш ва тараққиёт тилаб қоламан.

Сайид Мухаммад ХОТАМИЙ,
Эрон Ислам Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ
Жаноби Олийларига
Баракотли Ийд ал-Фитр муносабати билан Мальдив ҳукумати, халқи ҳамда ўз номидан Сиз Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Ийд ал-Фитр мамлакатингиз халқига ҳамда бутун ислом умматига бахт-саодат ва қувонч келтирсин.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустақкам соғлиқ, хуш кайфият, биродар Ўзбекистон халқига давомий тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Мамун Абдул ҚАЙОМ,
Мальдив Республикаси Президенти

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Азиз юртдошлар, Сизларни Рамазон ҳайити муносабати билан чин қалбдан муборакбод этаман. Ушбу қутлуғ байрамнинг файзу баракоти қалбларимиз ва хонадонларимизни мунаваар айласин.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, муборак Ийди Рамазонни элу юртимизда тинчлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик, каттага ҳурмат, кичikka иззат, ҳиммат ва саховат каби аъёналаримиз тобора мустақкам қарор топаётган бир шароитда кўтаринки руҳ билан кутиб олмақдамиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада тақомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши дийёри-миз мусулмонлари ҳаётида муҳим тарихий воқеа, эл қўнгидаги айни мuddа бўлди.

Мазкур қарор диний билим юрталарининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эъти-роқ этилишини таъминлайди. Эндиликда диний ташкилотлар коммунал хизмат учун тўловларни ишлаб чиқарувчи ташкилот сифатида эмас, балки аҳолидан олинадиган миқдорда тўламоқдалар. Бундан тежалган маблағ ҳамда маданий мерос сифатида давлат рўйхатида олинган зиёратгоҳ ва ушбу қарор билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиши учун берилган қатор диний обидалардан тушадиган хайрия маблағлари масжид-мадрасаларни таъмирлаш, диний таълим тизимини тақомиллаштириш, имом-хатиб ва мударрис-

лар меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Юртимиз мўмин-мусулмонлари манфаатини кўзлаб қабул қилинган мазкур тарихий қарор уламо ва имом-хатибларимизни ўз зиммаларимиз шарафли вазифани сидқидилан бажариш, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш, халқимиз, айниқса, ёшларни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан асраш йўлида астойдил ҳаракат қилишга ундамоқда.

Мустақиллик туйфаи жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Аҳмад Фароний, Абу Мансур Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Абдуҳолик Фихрдуновий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро ва бошқа ўнлаб алломаларимизнинг бебаҳо меросига муносиб ҳурмат кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, ислом меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони дунё маданияти хазинаси ва муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома меросини чўқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, унинг эзгулик, маънавий қомилликка қорловчи голарини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва ободонлаштириш борасидаги ишларни янада тақомиллаштиришга замин яратди.

Вазиrlар Маҳкамасининг тасаввуф илмининг йирик намо-яндаси, хожагон тариқатининг асосчиси Абдуҳолик Фихрдуновий таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

1 Австралия доллари	707,00
1 Англия фунт	
1 Дания кронаси	1665,89
1 БАА дирхами	266,03
1 АКШ доллари	977,06
1 Миср фунти	159,39
1 Швейцария кронаси	13,09
1 Канада доллари	750,20
1 Ҳолландия гулдени	118,05
1 Малайзия ринггити	257,15
1 Поляша злотийси	248,74
1 СДР	1410,22
1000 Туркия лираси	0,67
1 Швейцария франки	752,39
1 ЕВРО	1163,68
10 Жапунбӣ	
Корея вони	8,12
10 Япония йенаси	89,76
1 Россия рубли	32,79
1 Украина гривнаси	183,25

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА «INFO-BIZNES — 2003»

Унинг биринчи павильонида Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда «Заковат» — тадбиркорларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш ижтимоий жағмармаси ҳамкорлигида шу номадги биринчи ихтисослаштирилган кўргазма ўтказилди.

Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши қарорига кўра, бўлиб ўтган мазкур кўргазма ишбилармонларга бизнес фаолиятини ривожлантиришда ахборотнинг катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатиш билан бирга, ахборот бозорига ишлаётган юқори малакали шериклар билан ҳам алоқалар ўрнатишга қўмақлаштириш ҳамда уларнинг рақобатбардорлигини оширишни кўзда тутди.

Дарвоқе, мустақиллик йилларида кичик ва кўсудий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолди. Масалан, ҳозир мамлакатимизда 260 миңдан ортқ кичик ва ўрта корхоналар бўлиб, улар сони йил сайин кўпаймоқда. Жорий йилнинг ўтган давридак 3164 та шундай корхона ташкил топди.

Кўргазмада катнашганлар 2004 йил солиқ сиёсати, ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш, бизнес-режалар тузиш, кредит олиш, янги иш усулларига ўтиш ва текшириляётган ҳўжалик субъектининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини амалга ошириш борасидаги муаммоларни бартараф этиш хусусида маслаҳатлар ҳам олишди.

Шухратжон ОХУНЖОНОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АЪНАЛАРДА

8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯЧИСИ

Ўзбекистон мустақилликка эришган, демократик ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш асосий мақсад ва вазифа деб белгиланди. Маълумки, демократик бошқаришнинг энг муҳим жиҳати «ҳуқуқий давлат» тушунасидир. У давлат суверенитети, қонуннинг устуворлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояланганлиги асосига қурилади. Ушбу тамойилларнинг ҳар бири Конституцияда мустақамлаб кўйилган.

Инсоният орттирган давлатчилик таърибаси кўрсатадики, фақат Конституция ва унга монанд қабул қилинган қонунлар асосида фаолият юритадиган, халқнинг умумий иродасига жавоб берадиган жойда чинакам ҳуқуқий давлат бўлиши мумкин. Ҳуқуқий давлат мавжуд бўлган ерда шахсий эркинлик, орномус, тафаккур, ҳўжалик фаолияти соҳадарида инсон ҳуқуқларининг чеklangанлиги йўл қўйилиши мумкин эмас.

Шубҳа йўқки, инсонпарварлик қоидаларига асосланган, шахснинг ҳар томонлама раванқ топишига имкон яратадиган, миллати, дини, ижтимоий аҳоли, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлат ҳақиқий демократик давлат ҳисобланади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «**Ҳар қандай давлат, айниқса чинакам**

демократияга интилаётган давлат ўз халқи манфаатларини, ўз фуқароларининг орномуси ва кадр-қимматини, уларнинг ҳаёти ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлмоғи даркор».

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясининг муқаддасидек Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига содиқ қолиш, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидати юксак масъулиятни англаш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатни намойн қилиш, фуқароларнинг таъминлашга интилиш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш масъулиятларини зиммасига олганлигини эътироф этади. Конституцияга кўра, Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Янги Конституцияда давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдилар, дейилган. Янги фуқаролар манфаатининг устуворлиги қонуний равишда мустақамланган ва кафолатланган.

Конституциянинг 19-моддасида республикамиз фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар, деб алоҳида таъкид-

ланган. Зеро, Ўзбекистон фуқароси деган номга эга бўлишнинг ўзидек фуқаронинг давлат билан сиёсий ва ҳуқуқий алоқасини келтириб чиқаради. Фуқаролик шахснинг муайян давлат билан барқарор, доимий ҳуқуқий алоқасидир. Ўзбекистонда ягона фуқаролик барқарор этилган. Бу шунинг асосида, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Конституция ва бошқа қонунларда белгиланган, ҳамма фуқаролар учун ягона ҳисобланган барча ҳуқуқларга эга бўлади ва бурчларни бажаради. Фуқаро — бу давлатда яшовчи, муайян ҳуқуқий ҳолатга, ҳуқуққа ва бурчга эга бўлган, давлатга ва ҳуқуққа муайян муносабатда бўлувчи киши. У давлат ҳимоясидан фойдаланади ва давлат томонидан зиммасига юкландиган маълум бурчларни бажаради. Фуқаролик тушуниси давлатни бошқаришда фаол қатнашувчи инсон деган таълимотдан келиб чиққанлиги ҳам бежиз эмас.

Конституцияга биноан, давлат фуқароларга шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг ҳуқуқ ва эр-

кинликлар беради ҳамда уларнинг амалга оширилишини кафолатлайди. Унинг 19-моддасида кўрсатилганидек, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеқлаб қўйишга ҳеч қим ҳақли эмас. Худди шунингдек, 44-моддага биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга уларнинг зиммасига маълум масъулиятларни ҳам юқлайди. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга ҳамда Конституцияда кўзда тутилган бошқа бурчларни оғишмай бажаришга мажбурдирлар.

Конституцияга биноан, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади (106-модда). Суд ҳокимияти эса бошқа давлат органлари, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялардан мустақил ҳолда

амалга оширилади.

Ўзбекистон Конституциясининг 112-моддасига биноан, судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунувчилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушига йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар замирида демократик жиҳатлари янада чуқурлаштириш вазифаси ётибди. Бу адвокатлар мавқеини кучайтириш, суд жараёнида прокурор билан адвокатнинг ҳуқуқий мавқеини тенглаштириш, прокуратура ва милиция фаолиятини инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаси назаридан ислохот қилиш, меъёрларни эркинлаштириш ва янгилаш каби ишларни бажаришни ҳам тақозо этади. Қилинаётган барча ислохотлардан кўзда тутилган мақсад — инсон манфаати, унинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш. Бу олий вазифа Бош қомусимизда муҳланган, уни бажариш, унга итоат қилмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Салоҳиддин САҲАДИДОВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раисининг ўринбосари.

Собиқ иттифок даврида қабул қилинган конституциянинг 50-моддасида: «Ўзбекистон ССР граждандарининг виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки умумий маросимларни қилмаслик, бажариш ҳуқуқи кафолатланади. Диний эътиқодлар туфайли адоват ва нафрат қўзғатиш тақиқланади. Ўзбекистон ССРда дин давлатдан ва мактаб диндан ажратилган» деб кўрсатилган бўлсада, амалда бунга риоя этилмади. Аксинча, бу талаблар кўпол равишда бузилди. Натижанда халқимизнинг неча минг йилликлар давомида таркиб топган урф-одатлари унутилди, қадриятлар оёқ ости қилинди. Масъуллар ёпилди, диндорлар қувғун этилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, дин ва диний ташкилотларга, диндорларга бўлган эски сиёсат бутунлай инкор этилди. Ўзбекистонда виждон эркинлиги, дин, диний ташкилотлар ва диндорларга нисбатан давлат сиёсатида туб ўзгаришлар содир бўлди.

Конституциянинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади» дейилган. Ҳўш, виждон эркинлиги нима? Виждон эркинлиги — бу, фуқаро-

ларнинг у ёки бу динга эътиқод қилиши ёхуд ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Эҳр бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмай-

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

ди». Конституциянинг 61-моддасида эса «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдига тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди» дейилган. Бу қонуний ҳуқуқлар «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда янада мустақамланган.

Ушбу қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеқлашлар белгиланган йўл қўйилмайди. Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади,

диндорларнинг мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасидаги адоватни авж олдиршига қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди. Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажариши юқламайди, уларни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар ҳам ўз навбатида давлат ва бирфаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда дахрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва Конституцияга

қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлар ўртасида адоват уюштириш, ахлоқий ноҳушлик ва фуқароний тотувлики бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида низо чиқаришда ҳамда

нинг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи, уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар, таъминланганини билдиради. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, болалар мактаб ёшига етгач, диний таълим олишлари мумкин. Фақатгина мактабдаги машғулот-

лардан кейингина ва ота-оналари розилиги билан. Умумтаълим мактабини ташлаб, диний мактабларда ўқитиш давом эттиришга йўл қўйилмайди.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистонда диннинг мавқеи собиқ иттифок давридаги ҳолатдан бутунлай фарқ қилади. Унинг тарғиботи учун давлат барча шароитларни яратмоқда, диний эътиқод қонун йўли билан кафолатланган. Негаки, диннинг мамлакат ҳаётида алоҳида ўрни бор ва у маънавий поклиниш, асрлар давомида оруз қилган мустақиллигимизни мустақамлаш, фаровон ҳаёт қуришимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Аҳмаджон ЧОРИЕВ, ТДЮИ профессори. Мавлада БҮРИЕВА, ТДЮИ катта қўзғувчиси.

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ ҚУТЛУҒ БҮЛСИН!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ислом дини кишиларни, уларнинг дини, миллатидан қатъи назар ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Қуръони каримда: «Аллоҳга ибодат қилинг ва Унга ҳеч нарса ни шерик қилманг! Ота-онага яхшилик қилинг. Шунингдек, қариндош, етим, мискин, қариндош қўшни ва бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир) ва қўл остингиздагиларга ҳам (яхшилик қилинг)» — дейилган (Нисо сураси, 36-оят). Мазкур тамойил жамият бирлиги, унинг аъзолари орасида дўстликни мустақамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан ушбу йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши ҳам эл-юрт раванқи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги сай-ҳаракатлардандир. Бугунги кунда маҳалла маънавий-маърифий маскан, улан тарбия ва иборат ўчоғига айланган ҳаммага яхши маълум.

Маҳалла — жамият таянчи. Унинг ободлиги халқ фаровонлигидир. Бунга эса, аввало, қўшничилик ҳақ-ҳуқуқларига муқамал риоя қилиш, бир-бирига ёрдам бериш ва ҳоҳлатларни раво қилиш билан эришилади. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.):

«Кимки бир мусулмоннинг дунё қайгуларидан бирини кетказса, Аллоҳ унинг қиёмат кундаги қайгуларидан бирини кетказсади. Кимки дунёда бир қийналган биродарининг оғирини енгил қилса, Аллоҳ таоло унинг қиёматдаги оғирини енгил қилади. Бир бандани бир бандига ёрдам қилса, Аллоҳ таоло унга ҳам ёрдам кўрсатади» деганлар (Имом Термизий ривояти).

Азиз юртдошлар! Бу йилги муборак Рамазон ҳайити Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 11 йиллиги арафасида нишонланмоқда. Ушбу муборак кунларда гина-қудуратини унутиб, кечиримли бўлиш айна савабли амалдир. Утган йилларда юрт тинчлиги, халқимизнинг фаровонлигига раҳна солиш мақсадида Ватанимизга кириб келган мутаассиб оқимлар тузоғига илинган баъзи ёшлар қилмишларига яраша жазо олдилар. Жорий йил давомида ҳукуматимиз томонидан ташкил қилинган, диний уламо ва исломшунос мутахассислардан иборат махсус ҳайят жазо муддатини ўтаётган ана шундай маҳкумлар билан бир неча марта якка тартибда суҳбатлар ўтказиб, Қуръон ва ҳадисга асосланган соф ислом гоғларини тушунтирди. Уларнинг қўпчилиги адашганини англаб, климидан пушаймон бўлди. Айни


дамда уларни афв этиб, бундан кейинги ҳаётларида Ватанга, халққа хизмат қилиш орқали хатоларини оқлаш имкони берилмоқда. Ўз навбатида, маҳалла жамоатчилиги, ёшларга мутасадди ташкилотлар билан бир қаторда имом-хатибларимиз ҳам уларнинг ҳаётида ўз ўрнини топиш, фойдали меҳнат билан машғул бўлиши учун ёрдам кўрсатмоқлари лозим.

Муборак Рамазон ҳайити улуг байрам! Бу кунни шод хурамлиқ билан ўтказиш ҳамда жамиятимизда кузатилаётган гуруҳ-гуруҳ бўлиб фотиҳага бориш, байрамни азага айлантириш каби иллатларга барҳам бериш лозим.

Улуг айём билан муҳтарам Президентимизни, қарилқ гаштини сураётган табарруқ ёшдаги нуруний ва файзли отахон-отаноҳларимизни, шунингдек, барча юртдошларимизни чин дилдан мубораклоб этамиз. Ватанимиз истиқболи порлоқ, диёримиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз.

Ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!
Абдурашид қори БАҲРОМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА



комиллаштирди. — Тинчлик, тотувликда катта маъно бор, — дейди махсус операциялар ўтказиш отряди катта тезкор вакили, милиция капитани Равшан Амиридинов. — Вилоят ички ишлар бошқармасининг асосий мақсади — юртимизда ҳукм сураётган осойишталик, фаровонликнинг барқарорлигини асрашдир. Бунинг учун бизда куч ва имкониёт етарли.

Суратларда: махсус операциялар ўтказиш отряди катта тезкор вакили, милиция капитани Равшан Амиридинов. Вилоят ички ишлар бошқармаси фаолиятдан лавҳа. **Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)** олган суратлар

Фаргона вилояти ички ишлар бошқармаси жамоаси аҳоли осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бошқарманинг жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий техника билан таъминланиши ушбу соҳада иш жараёнини янада та-



Публицистика

ОҚИБАТ, МАЪНАВИЯТ, ҚАДРИЯТ...

ВА УМУМАН... ТАФАККУРИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ ҲАҚИДА ҲИЛАЛ

Бундан уч йилча олдин бир ҳамкасбим ҳикоя қилиб берувди: — Кўп қаватли уйда яшаймиз. Бир кунни қўшни уй атрофида ҳашар ўтказмоқчи бўлдик. Ҳаммамизга маъкул тушди. Кун, соат, минутларини келишдик... Эртасига хотин, бола-чақа билан челақ, супурги, белкурак олиб пастга тушдик. Қарасак жим-жит. Ярим соат ўтди... бир соат, бир ярим... Ҳеч қим йўқ. Биз подъезд кирверишига сув сеиб, супургандек бўлдик-да, қайтиб уйга кўтарилдик. — Ада, нега ҳеч қим чиқмади? — сўрашди ўғил-қизларим. — Ишлари чиқиб қолгандир-да, — дедим ортиқча гап-сўз қилмай. Тушлиқдан сўнг эшигимиз кўнгириғи жириглади. Очсам, қўшниларимдан бири турибди. — Оғайни, беш-олти мардикор олиб келдим. Айтинг, нима иш бор... — Ээ, овра бўпсиз-да, қўшнижон, — дедим қулиб, — ҳаммамизнинг кўчиб келганимизга бор-йўғи уч-тўрт кун бўлди, янги қўшниларимиз... Мақсад — атрофни супуриб-сидириш баҳона — танишув, дийдор қўришув эди. Майли, энди кеч бўлди, уэр... Ҳозир ҳамкасбимнинг ўша ҳикоясини эсладим, беихтиёр уйга толдим. Қаранг, ўшанда ота фарзандларининг: «ада, нега ҳеч қим чиқмади?» деган сўровига «ишлари чиқиб қолгандир-да», — деб қўя қолди. Рост-да, нима десин? Қўни-қўшининг бурди йўқлиги-ю оқибатсизлигидан ёхуд уларнинг ўзлари яшаб турган теварак-атрофнинг озода-ю фариштали сақланишига масъулиятсизлигидан энди келиб-келиб, гўдақларига нолисинми? Ёки уларга маъруза ўқисинми? Ота унисини ҳам қилмади, бунисини ҳам. Лекин, унинг ҳикоясини эшитган қўлаққа «йилт» этган қувонч саси эмас, аксинча, титраб турган ўрпақ соясидаи бир соя тушганини илғадигизми? Бу соя ўз маҳалла-қўйи билан танишиш ва яқинлашишдан, азалий аънаналар, удумлар, урф-одатлар ва ўз уйининг ўзинг супуришдек қадриятларни сақлашдан кўра мардикор олиб келиб ишлатишни ҳўш кўрган боғвайдек бойвачалар маънавиятининг қашшоқлиги, дунёда **Оқибат** деган тош-тарозиси йўқ ноёб фазилатни паллага пўл билан бирга қўйиб ўлчайдиган пулдорлар сояси эмасми? Таассуфлар бўлсинки, ҳаётда баъзан бундай соялар

гоҳ у қўринишда, гоҳ бу қўринишда учраб туради. Аслида, гап уларнинг учраб туришида ҳам эмас, балки, ўзлигини англашга ёшлигиданок қўникаётган, янгича дунёқараш ва тафаккурга интилаётган, аниқроғи, шундай руҳда таълим олаётган, тарбия топаётган, отасига эргашиб, ўшарга чиққан, ёш, соғлом (ҳали гуноҳлардан холи, покиза, тоза фикр, тоза юракли) авлодларга эски тизим «охурлари»дан «ем» еб ўрганган ва ҳали-ҳамон ўзининг оддий юмушларига ҳам бировларни ишлатиш «касал-»идан қутулолмаётган, жоиз бўлса, бу касални ҳануз қўмсаётган ўша ҳамшаҳримиз нимаси билан ўрناк бўлди? Эндигина вояга етаётган полпан ёшлар ўша «пулдор амаки»дан қандай тарбия ёхуд қандай гоғ, қандай маънавий озиқ олди? Тарбиявий-ахлоқий, маънавий масалаларда баъзан вужудга келиб қолаётган айрим маърифий бўшиқлар ана шундай «сония»лар сояси эмасмики? Яна бир мисол. Пойтахтимизда Юнус Ражабий (Яққасарой тумани) маҳалласининг оқсоқоли — Миша ака деган инсон бор. Асли исми — Михаил, шарифлари Киктев, миллати рус. Лекин давлат тилида унча-бунча ўзбеклардан софроқ ва бурророқ гапирди. Миллий кадриятларимиз ва удумларимизнинг ҳам билимдонларидан десам, янглишмайман. Тўй, маърака, маросимларнинг тартиб қилиси-ю урф-одатини қўйилмақом ўрганиб олган зиёли киши. Фан номзоди. Маҳалла аҳли уни юракларига яқин олганларидан бўлса керак, оддийгина қилиб: «Миша ака» деб ўрганган. Бир кунни денг (ўтган йилнинг қайсидир ҳайит кунларидан бири эди), у қўлида қўғозлар билан ўйчан юриб келарди: — Ассалому алайкум, Миша ака, Ҳайитингиз муборак! — Раҳмат, Сизга ҳам шу тилак. — Йўл бўлсин? — Юрибман, одамлардан ҳайитлик сўраб... — Ие, удумга кўра ҳайитлик берадиганлар одатда ўзлари келиб беришмайди-ми? — дедим у ҳазил қиляпти деган уйга бориб. — ЖЭК (ҳозир уй-жой мулкдорлари ширкати)дан рўйхат беришибди, — мақсадга кўчди у, — аниқроғи, маҳалладан ёрдам сўрабди: кўп хонадонлар «квартплата»ларини уч-

тўрт ой, ҳатто ярим йиллаб ҳам тўлашмабди... Зора, Ҳайит кўнлари... — Ки-зи-к, бу атрофда ҳаммаси тушунган, масъул идораларда ишлаётганлар яшайди-ку, наҳотки, қўллари «калта» бўлишса... — Шунга ҳайронман-да... Мана, қаранг, — у қўғоздаги узундан-узун тизилган хонадонлар эгалари рўйхатига ишора қилди. — Омадингизни берсин... — қулиб хайрлашдик. Ҳа, ёдимга тушди. Миша акани икки йил олдин ҳам (бахор чоғлари эди) яна бир учратсам: «Ҳозир ҳокимият, паспорт столи ва тиббий экспертизадан келаяпман», — деди у ҳорғинлик билан. — «Нариги дом (уй)да ҳеч қим (қаровчиси ҳам!) йўқ бир нафақахўр қаза қилибди. Дафн этиш ташвишлари (паспорт хисобидан чиқариш, қабристон, юк машинаси, тобут, гулчамбар)ни ҳал қилиб келаяпман...» — Ҳаммасига ўзингиз чопдингизми, қўни-қўшилар, маҳалладошлар?... — Икки-уч кишидан сўранувдим, вақтлари тигизроқ экан... — бироз ўйлиб қолди у аввалига. Кейин секин қўшиб қўйди. — Одам ўлиб кетгати... лекин оқибат деганини шу қадар ноёблашиб бораептики... — қуонди у. Бу мисолларни бекорга келтирмадим. Аниқроғи, Миша ака Киктев айтган ноёблашган «оқибат» аслида айрим ватандошларимиз маънавиятидаги ноёб «фазилат»га айланиб қолмаётганими?

(P.S. Шу ўринда эслатиб қўйиш жоиз: **Миша ака мустақиллигимизнинг 12 йиллиги нишонланган кезларда мамлакатимизнинг юксак муқофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирланди ва яқинда маҳалла фуқаролари йигинида яна қайта раисликка сайланди.**)

Ҳа, кадриятларимиз сарчасмаси — миллий маънавиятимизнинг айнан ана шундай **оқибат, қаноат, шукрона, камтарлик** сингари фазилатлари (баъзан ҳаёлимизга келмаган ҳолда) ноёблашиб бораётгани кишини ташвишга солади, албатта. Чунки, баъзан (хом сут эмган бандамиз-да!) кўрпага ҳолимизни ўйлаб кўрмай оёқ узатиб қўйган бўламиз. «Мен сендан камми?» қабилида (гўё ориятга боғлаб!) чиранамиз.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан

«Фанлар академияси шундай бир даргоҳки, у ўзига нисбатан алоҳида ёндашувни талаб этади. Унга ишлаб чиқариш корхонаси эмас, илмий тафаккур, ихтирочилик ва яратувчиликнинг йирик маркази сифатида ёндашиш ҳамда ҳар бир олимнинг ўзига хос эҳтиёжидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш тақозо этилади».

Ислом КАРИМОВ

Фанлар академияси мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш, асрлар давомида заминимизда яратилган кўҳна ва бой илмий-маданий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда уни муҳим илмий натижалар билан бойитиш, истеъдодли ёш илмий кадрларни тайёрлаш, иқтисодий тармоқларни илгор технологиялар билан таъминлаш борисада самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академи-

ий лойиҳа молиялаштирилиб, унда тўрт мингдан ортиқ илмий ходим иштирок этади. Амалга оширилган лойиҳаларнинг натижалари 20 дан ошди монография ва мингдан зиёд мақолада эълон қилинди ҳамда халқаро анжуманларда апробациядан ўтказилди.

Тарих силсилаларидан ўтиб келган илмий мактабларни ривожлантиришга тегишли шарт-шароит яратиш, жаҳон ҳамжамиятидаги мавқени кўтариш, минтақаларда илм-фанны ри-

рихини тарихий объективлик принципи асосида ўрганишда, ватанимизнинг кўҳна ва бой тарихини тиклашда жуда катта аҳамият касб этади.

Мустақил давлатимизда илм-фанны ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тарихан қисқа давр ичида Академия фаолиятини янада такомиллаштириш, дунё фанида ўзбек олимларининг қадимий шухратини тиклаш йўлида қарор ва фармонлар эълон қилинди. Таккидлаш зарурки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 9 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини эркинлаштириш ва самарали ривожлантириш таъминлаш тўғрисида»ги қарори Академия фаолиятини янги босқични бошлаб берди. Фанлар

ФАН — БУ ИДОЙИЛИК, АХР, МАСЪУЛИЯТ

ясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор устувор фундаментал аҳамиятга эга изланишлар ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган амалий тадқиқотларни янада ривожлантириш, Академиянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий натижалардан самарали фойдаланиш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилгандир.

Ўтган давр мобайнида маълум иқтисодий қийинчиликлар шароитида фанни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ёки Академияни тарқатиб юбориш, уни бошқа вазирлик ёки идоралар тасаруфига ўтказишдек осон йўлдан бориш мумкин эди. Лекин, илму фанга мамлакат тараққиётидаги асосий стратегик йўл сифатида қаралди. Фанлар академиясини қўллаб-қувватлаш, уни давлат мисқисда ривожлантиришга йўналтирилган тизимли тадбирлар мунтазам амалга оширилди. Бу борада Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Юртбошимиз ташаббуси билан Фанлар академиясида ташкил қилинган махсус жамғарма устувор йўналишларда олиб борилаётган фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлашда катта аҳамият касб этади. 1996 йилдан бошлаб мазкур жамғарма томонидан 900 дан ортиқ ил-

вожлантириш, иқтидорли ёшларни ва фан фидойиларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 14 ноябрдаги «Хоразм Маъмур академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Унга мувофиқ Ўзбекистон Фанлар академиясининг минтақавий бўлими Маъмур академияси Хива шаҳрида ташкил этилиб, тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида олиб борилаётган илмий изланишлар самарадорлигини оширишга катта хизмат қилиб келмоқда. Ушбу тарихий адолатнинг тикланиши фаннинг ривожиди янада юксалиш фаслини бошлаб берди.

Истиқлол шарофати туйғайи мамлакатимизда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожланишига катта шараф яратилди. Хусусан, шу давр ичида илк бор «Алломиниш» достонининг академик наشري яратилди. Бобомиз Алишер Навоийнинг 20 жилдан иборат «Мукаммал асарлар тўплами»ни яратиш борисада изланишлар олиб борилди. Ҳукуматимизнинг Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори эса ўзбек халқи ва давлатчилиги та-

академияси фан, техника, маданият ва маърифат соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни, илмий ишланмаларни мувофиқлаштирувчи ва уларга самарали раҳбарлиқни таъминловчи, давлатнинг интеллектуал, иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган фан ва кенг қамровли илмий технологик ютуқларини ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий этувчи мамлакатнинг олий илмий ташкилоти эканлиги қайд этилди.

Ушбу муҳим хужжатларга мувофиқ илм-фан ривожини ва фаннинг тараққиётга хизмат қилишини таъминлашга қаратилган қатор янги механизмлар амалиётга киритилиб, илмий лойиҳаларни грант асосида молиялаштиришга ўтилди.

Илм-фанга бўлган тизимли ёндашувнинг мантқий давоми сифатида яқинда қабул қилинган ҳукуматимиз қарори мамлакатимизда илм-фанны янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Қарорда юбилейга бағишланган тадбирлар дастурини амалга оширишда Фанлар академиясининг Ватанимиз тараққиётига қўшган улкан тарихий ҳиссасини ифода этадиган, унинг фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган қатор, жумладан, қуйидаги масалаларга алоҳида

Раҳматулла БАРАКАЕВ,
филология фанлари номзоди

«Кўнфирот ун заводи»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Бутун мусулмон умматига мустақкам аҳиллик ва бирдамлик ато этувчи Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча фуқароларни қутлайди!

Муборак ҳайит кунларида Ўзбекистонимизга тинчлик-хотиржамлик, маъмурчилик ва равнақ тилаш бизга мамнуният бахш этади.

Илоҳо, туллаб яшнаётган Ватанимизга кўз тетмасин!

ҚИСҚА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН АСОСИДА

Жорий йилда Пастдарғом тумани пахтакорлари 36200 тоннадан зиёд «оқ олтун» етиштириб, шартномавий режаларини биринчилар қаторида адо этишди. Қосилнинг асосий қисми 1-навга топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тумanning 29906 тонна пахтасини Жума пахтаи қайта ишлаш корхона-

си қайта ишлайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳосилнинг 8600 тоннаси қайта ишланиб, 2700 тонна сифатли тола олинди.

Корхонада иш уч сменада ташкил қилинган. Пахта хомашёсини сақлаш, қайта ишлаб, қимматли товар маҳсулотни ҳолига келтириш қисқа технологик жараён асосида олиб бо-

рилмоқда. Бу электр энергияси ва мойлаш материалларини тежаш имконини бермоқда.

Корхонада ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам ерда илгорлар сафи кенгайиб борапти. Тайёрлов ва тайёр маҳсулотлар бўйича

директор ўринбосари Собир Хайитовнинг айтишича, қуритиш бўлими ишчиси Улмас Худойбердиев, таъмирлаш бўлиmidан Мирзо Мўминов, Вадим Жалилов меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ.

Корхонада тайёрланган пахта толаси экспортга шай қилиб қўйилмоқда. **Ўткир ПҮЛАТ**

Ўлсин, бундай орият! Керак, нокерак тадбирлар, маросимлар, маъракалар, дабдабали тўй-ҳашамлар ўтказамиз. Мақтончоқликка рўжу қўямиз. Рўзгоримиз иқтисодиёти кўтарса-кўтармаса исрофгарчилик йўлига кириб, силлаимиз қуриб бўлса-да, қарзга ботиб дабдабаозлик қиламиз.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг «Тўй — кўнгил иши» сарлавҳали («Ўзбекистон овози» 2003 йил, 11 январь) мақоласини ўқиб, дабдабали тўй қиламан дея, бор-будидан айрилган айрим кимсалар ҳақида тўқилган бир лати-фани эсга олганман:

...Қиз узатилаяпти. Куёвнавқарлар келинни олиб кетишга келишган. Дарвоза ёнида безатилган машиналар «карвони». Ҳовли саҳни меҳмонлар, қуда томондан келишган вакилу вакилалар, эркак-аёл, қизу-жувон, бола-бақралар билан тўла. Ҳайин-култул авжида. Хонанда хониши, раққоса рақиси, гумбада-гум чилдирама, уй ҳам, ҳовли ҳам — очил дастурхон...

Қиз (келинни) янгалари ёр-ёр билан ҳовлига олиб чиқиша-япти... кимнингдир эсига тушиб қолди.

— Ие, отаси фотиҳа берсин, Отаси... Қани отаси?

— Ҳа-я, отаси қани?

Ота уй ичкарисидан дераза олдиға келди ва «оми-ин...» дея қўлларини кўтарган эди, кимдир: «Ие, бундоқ ташқарига чиқиб фотиҳа бермайсизми?» — дея танабх бергандай бўлди.

— Чирқолмайман, — деди ота хижолат тортиб.

— Нега?

— Шимим йўқ, иштонданман.

— Кийиб олинг...!

— Йўқ-да, йўқ! Куёвсарпога бериб юборганмиз...

Буку, латифа. Маъжозий маънода. Аммо дабдабали тўй қиламан деб таъбир жоиз бўлса, бор-будидан айрилган — «бели синган» оталар йўқми?! Лоқақл, шу даражаға етмаган бўлса-да, латифалар замирида ҳам қандайдир ҳақиқат ётишини биласиз-ку...

Ҳўш, қани энди, ўшандай оталар онгидаги қаноат, шукроналик, камтарлик деган азалий ўзбекна фазилатлар?

Бундан икки-уч йил олдин қулониға антиқа, йўқ, совуқ, хунуқ бир гал чалинганди. Биласизми, титраб кетдим ўшанда... Эмишки, аллақерда бир неча нафар ёш му-

сулмончиликдан — Ислам динидан воз кечиб, инжилни тан олганмиш. Негаки, уларга ҳомийлар ҳам топилми, ойнага 60-70 доллардан маблағ ҳам бериб турганмиш. Сабабини, ўша ёшлар моддий тангликка боғлаганимлар... Буку, эҳтимол, ёлғон-аяшиқ гаплар ёки миш-мишлар тарқатишни ўзларига ҳунар билан айрим нокаса «ўйинчилар»нинг наватбадгаи ишидир. Қолаверса, ҳар кимни қайси динга эътиқод қўйиши, бу — унинг ўз иши. Масалан, бизнинг ҳам мамлакатимиз Бош қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида диний эркинлик ва эътиқодга йўл берилган. Аммо, гап бошқа эди. Борингки, эркинликни пеш қилиб, битта иккита ўшандай нусхалар топилган бўлсин ҳам дейлик, лекин... лекин, бугун динини сотган кимса, эртага ўз ота-онасини, ака-ука, опа-сингил, қариндош-қуруқ, хеш-ақраб, ёру дўст ва ҳамма биродарларини — халқини, Ватанини ҳам сотмайди деб, ким кафолат беради?

Мухтарам Президентимиз эҳтимол, шу боисданки, бундан уч-тўрт йилча олдинроқ Оқсарой қароргоҳида миллий маънавият масалаларига бағишланган йиғилишда жамиятимизнинг маълум бир қисми ҳали-ҳануз миллий ғоя, миллий маънавият жараёнларидан узоқ турганлигини алоҳида таъкидлаб ўтгандилар. Теран қилган, теран ақлли, соғлом авлодлар тарбиялашни ният қилган, ўз келажагини ўзи қурмоқчи бўлган давлат, жамият ва хатто ҳар бир фуқаро ўз миллий ғоясига, ўз миллий маънавияти ва маърифатига таяниши лозимлигини қайд қилгандилар. Миллий ғоя ва миллий маънавиятни — халқимизнинг азалий анъаналари, ғадимлари, тили, дини, руҳияти, хотираси, қадриятлари, дунёқараши, тафаккури, умум-башарий ва умуминсоний фазилатлари, деб таърифлагандилар. Айтинг, бу таърифларни ўзида мустаҳаб этган қайси бир эл ёки қайси бир инсон юрт тинчлигиға, Ватан равнақиға, халқ манфаати ва фаровонлигиға хизмат қилмайди, дейсиз?!

«...Айрим ҳолларда қонунларнинг айрим жиҳатлари ҳаётга бироз мос келмай қолган пайтлар ҳам бўлаяпти, — деб қолди бир кезда тахририятимизга келган фуқаролардан бири, — буни қандай тушунас бўлади?».

Бу табиий ҳол. Ҳар қандай жамиятда бўлганидек, ҳар

қандай давлатнинг ўз қонунлари, мақсадлари бўлади. Давлат сиёсати замонга қараб муайян муддатларда ва маълум йўналишларда ўз йўлини, ўз тартиб-қоидаларини ўзгартириб туриши, аниқроғи, замонига мос ўзгартиришлар киритиб бориши табиий. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз — миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафқураси мақомига кўтарилмаслиги даркорлигини алоҳида уқтириб ўтгандилар.

Миллий мафкура жамиятимиздаги қарашларнинг ранг-баранглигини, ғояларнинг хилма-хиллигини сақлаб қолгани ҳолда, уларни бир-бирлари билан баҳслашиши учун конституциявий эрк беради. Бошқачароқ айтганда, ҳар қандай партия ёки ҳаракатнинг, ҳар бир кишининг ўз фикрини ўзи эркин ифода этишига йўл очади, зарур бўлганда уни ҳимоя ҳам қилади, қадрлайди ҳам.

Яқин ўтмиш тарихда руҳлари оёқ-ости қилинган табарруқ аждодларимизнинг журматлари эндиликда жой-жойига қўйилаётганлиги, 20-30- ва 50-йиллар қатарони қурбонлар бўлган муборак зотлар номларининг эъзозланиши, Наврўз, Ҳайит, Хотира ва Қадрлаш кунлари сингари расм-русумларимизнинг тикланиши, улар асраб-авайланиб, янги ўсиб келаётган авлодларга етказилиши, бир сўз билан айтганда, уларнинг ҳамма-хаммаси собитлик билан ҳимоя қилиниши, қадрланиши фикримизнинг ёрқин мисоли эмасми? Бугун жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносива обрў-эътибор топганлигимиз ҳам миллий ғоя ва миллий маънавият йўлидаги ана шундай сазй-ҳаракатларимиз ҳисиласи эмасми? Давлатимиз, жамиятимиз ва халқимизнинг юксалиши йўлида бизни буюк келажақ барпо этишдек эзгу мақсадга йўллаган қуч ҳам ана шу муддасларимиз натижаси эмасми?

Кеч-қурунлари гоҳо телеэкран ёнида ўтириб, ўқувчи ва мураббийлар — эътилолимизнинг гапларига қулоқ тутаман. Бир гал улардан бири: «...дарс пайтлари миллий ғоя, миллий маънавият ҳақида ўқувчиларга тушуна бераётганда қийналиб қола-

япмиз. Махсус дарслиқлар, китоблар кам... Газета-журналларда босилаётган мақолалардан фойдаланаяпмиз...» — деб қолди.

Маънавиятнинг ҳаётдаги ўрнини белгилаш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш, маърифий тарбия йўналишларини ишлаб чиқиш ва шу йўлида жамиятимизда ижтимоий фикр-ни шакллантириш борисадаги тадқиқотлар, изланишлар олиб борилапти албатта. Аммо олимларимиз, ижодкорлар омма-боп, оддий одамларга тушунарли бўлган асарларни кўпроқ яратишлари кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Юртбошимиз «Миллий мафкура ҳақида» номли асарига да бу масалаға ўз қарашлари ва ўз фикр-мулоҳазаларини шундай жамлаб берган эдики, уларда: таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, чуқур илмий-тадқиқотлар олиб бориш, эътилолимиз билан дин вақиллари ўртасида доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, оммавий-ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш, маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, ҳам ота, ҳам она маскан — мақалларда фаоллик билан иш олиб бориш — Ўзбекистон халқининг XXI аср бусасида маънавият майдонидаги энг салмоқли, энг залворли ва энг устувор бурчи, вазифаси эканлиги ёрқин ифодаланди.

Биз инсоният тарихида ўхшашми, андозаси биланги мураккаб даврда ўқияпмиз, ишлаяпмиз, яшаяпмиз. Ўтказилаётган ислохотлар нафақат иқтисодий ҳаётимизда — онг ва тафаккуримизда ҳам янгиликлар, ўзгаришлар ясапти. Мана, масалан, Мустақилликнинг ўн учинчи йиллиги қадам қўйдик ҳамки, ҳамон баъзи юртдошларимиз онгида сақланиб келаётган му-теллик, қулик асоратларини, эскича қараш иллатларини, турли хил зиддиятлар ва ғоявий ҳамда мафқуравий қарама-қаршилиқларни, баъзан ғойибона, баъзан пинҳона, баъзан очикдан-очик ҳам душманлик кайфиятларини: «Фикрга қарши фикр», «Ғояға қарши ғоя», «Жаҳолатға қарши маърифат» билан енгиб ўтишимизга тўғри келаяпти.

Зотан, шундай ғоя, шундай мафкура, шундай маънавият ва шундай тафаккурини бугун биз учун энг мақбул, энг зарур тамойил!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Шарҳловчи минбари

ГРУЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

Ўтган шанба куни Грузияда вазият анча кескинлашди. Мухолифат кучлари мамлакат парламенти ва давлат маҳкамаси биноларини эгаллаб олди.

Мазкур воқеадан бир кун ўтгач, Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе истеъфо берди. Журналистлар билан суҳбатда у ўз халқи манфаатларини ва мамлакат оқошталлигини сақлаб қолиш учунгина шундай қарорга келганини маълум қилди.

PATA-TACC ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, Эдуард Шеварднадзе пойтахт Тбилисида мухолифат вакиллари билан ўтказилган музокаралардан сўнг истеъфого чиқиб тўғрисида қарорга келган. Грузия хавфсизлик кучлари ҳам мухолифат томонига ўта бошлагани ўшбу жараёни янада тезлаштирди. Маълумотларга қараганда, ўтган яқшанбада мамлакат Ички ишлар вазирлиги ҳарбий бўлинмалари икки мингга яқин миллий гвардиячи ҳамда Тбилиси полициясининг шахсий таркиби билан мухолифатчилар томонига ўтган.

Мухолиф гуруҳ раҳбари Михаил Саакашвили Эдуард Шеварднадзенинг мазкур қадамини мамлакат халқи томонидан муносиб баҳоланади, деб айтди. Мухолифатнинг яна бир вакили Зураб Жвания эса Крцяниси ҳукумат қароргоҳида Шеварднадзе билан бўлиб ўтган сўнгги учрашув илқ кайфиятда ўтганини, ўшбу учрашувда Грузиянинг келажаги тўғрисидаги масалалар муҳокама этилганини таъкидлади.

Грузия раҳбарининг келгусидаги тақдирини қандай кечиси ҳозирча номаълум бўлиб турибди. Михаил Саакашвили Шеварднадзе Грузияда қолишни ихтиёр этса, унга барча дахлсизлик кафолатлари ва зарур шарт-шароитлар яратиб берилишини айтди. Эдуард Шеварднадзе ўзининг мамлакатдан кетмаслигини айтган.

ГФР ҳукуматининг расмий вакили Бела Анда, агар Эдуард Шеварднадзе Грузия ҳудудини тарк этиш ниятида бўлса, Германия уни ўз ҳудудига қабул қилишга рози эканини маълум қилган.


Айни пайтда Грузия давлат раҳбари вазифасини мамлакат парламенти раиси Нино Буржанадзе бажариб турибди. Мамлакат конституциясига мувофиқ, муддатдан илгари президентлик сайловлари қирқ беш кундан кечиктирилмай ўтказилиши керак.

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Нино Буржанадзе билан телефон орқали мулоқоти чоғида АҚШ Грузия мустақиллиги ва барқарорлигини қўллаб-қувватлашни ҳамда Грузия халқининг мавжуд қийинчиликларни енгиб ўтишига кўмак беришга тайёр эканини билдирган.

Колин Пауэлл Эдуард Шеварднадзенинг ўзи билан ҳам телефон орқали суҳбатлашди. Мулоқот чоғида у Грузиянинг собиқ раҳбарини мавжуд инқирозни ҳал этишдаги хизматларига юқори баҳо берди.

Грузиянинг муваққат раҳбари Нино Буржанадзе мамлакат ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ белгилаб олган ташқи сиёсат йўналишидан қатъий бораганини маълум қилди. Хусусан, АҚШ, Россия, қўшни давлатлар билан ҳамкорликни изчил давом эттираганини таъкидлади.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси



ИШ ТАШЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Россиянинг Нижневартовск бургулаш компанияси ишчилари ўтган жумада очлик эълон қилиб, иш ташлашни давом эттирмақдалар. Сабаб: нефтчилар деярли бир йилдан бери маош ололмаётдилар. Компания ҳар бир ишчисидан 50-70 минг рублдан қарз бўлиб қолган. ИТАР-ТАСС ахборотига кўра, компаниянинг маошдан умумий қарздорлиги 10 миллион рубль атрофида.

ҲАРБИЙ КОНТИНГЕНТ ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

АҚШ 20 минг кишилик ҳарбий контингентини Ироқнинг Сурия билан чегарадоҳ ҳудудига жойлаштирди.

Америка кўмондонлигининг баёнот беришича, — дейилди World Tribune газетаси сайтыдаги хабарда, — мақсад ҳарбий кўпуровчи ва жангариларни чегарадан ўтказмаслик. Агар шундай қилинмаса, улар Ироқ партизанларига қўшилиб, коалиция кучларига қарши ҳаракатлар уюштириши мумкин. Ҳарбийлар шуни тасдиқламоқдаки, чегара назорати кучайтирилган, жангариларнинг Суриядан Ироққа суқилиб кириши кескин камаянган.

Авалроқ АҚШ маъмурияти ўз чегарасини ёпишни Суриядан бир неча бор талаб қилган эди.

Маълумки, Ироқда жанговар ҳарбий ҳаракатлар тугатилган-

дан сўнг АҚШ Сурияни Саддам Хусайннинг ашаддий тарафдорларини ҳамда собиқ «Баас» партияси раҳбарларини яширганликда айблаганди. Бундан ташқари, Америка маъмурияти Сурия Ироқдан оммавий қирғин қуролларини олиб чиқиб кетган ва ҳозир тақиқланган қуролланиш бўйича ўзининг дастурини ишлаб чиқмоқда, дея хисоблайди.

Шунинг учун ҳам АҚШ Конгрессининг қўйи палатаси Сурияга қарши йўналтирилган жазо чоралари қўлланилишини ёқлаб овоз берди, дейилди Associated Press агентлиги ахборотида.

Сурия АҚШ давлат департаменти томонидан тузилган терроризмни қўллаб-қувватлаётган давлатлар рўйхатига анча аввал киритилган эди. Суриядан ташқари Шимолий Корея, Судан, Куба, Эрон ва

ТАЪТИЛЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Туркиядаги Истанбул шаҳри мэри аввали шанба ва пайшанба кунлари шаҳарда содир этилган бир неча террорчилик аклари муносабати билан барча полиция ходимларини муборак Рамазондан сўнг таътилга чиқишларини бекор қилди.

Маълумки, ўтган пайшанба куни террорчи-камикадзелар томонидан содир этилган Истанбулдаги Британия консулиги биноси ва Британиянинг «Эйч-эс-би-си» банкидаги портлашлар оқибатида 28 киши ҳаётдан қўз юмган, 450 киши яраланган эди. Ҳанда Буюк Британиянинг Туркиядаги бош консули Рожер Шорт ва дипломатия ваколатхонасининг 14 ходими ҳам ҳалок бўлган.

Шу кун кечқурун Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро Истанбулга етиб келди ва

Бирлашган Қиролликнинг халок бўлган бош консули оиласи билан учрашди ҳамда Туркия ташқи ишлар вазири Абдулла Гул иштирокида матбуот анжумани ўтказди. Жек Стро шуни маълум қилдики, эндиликда Лондон хориждаги ўзининг дипломатия ваколатхоналари хавфсизлигини қайта қўриб чиқади. Унинг айтишича, бир ҳафтада бир неча марта содир этилган Туркиядаги террор Индонезияда, Саудия Арабистонида, Мароқашда, шунингдек, бир қатор Европа давлатлари ва АҚШда содир этилган террорчилик актларининг давомидир. «Шунинг учун терроризмга қарши глобал тарзда кураш олиб боришимиз лозим», деди у.

Туркиянинг телерадиоэшиттиришлар олий кенгаши эса Ис-

танбулдаги мазкур террорчилик аклари намоёнигини тақиқлади. Телерадиоэшиттиришлар олий кенгаши раҳбари Фотих Караҳанинг таъкидлашича, аҳоли орасида ваҳима ўйотмаслик, яъни фуқаролар оқошталлигини сақлаш ва жамият тинчлиги йўлида мазкур қарор қабул қилинган, дейилди ИТАР-ТАСС ахборотида.

«Новости» агентлигининг маълум қилишича эса Истанбулдаги фохиалардан сўнг Албания ва Болгарияда кучайтирилган хавфсизлик чоралари қўрилди.

Албания Жамоат тартибини сақлаш вазирлигининг расмий вакили Энжел Хиснинг таъкидлашича, ҳукумат ва бошқа давлат идораларини қўриқлаш кучайтирилди.

Шунингдек, Болгария ички ишлар вазирининг сўзларига

қараганда, мамлакатда стратегик объектлар ва хорижий миссиялар жойлашган биноларда хавфсизлик чоралари янада оширилди. Бу тадбирлар Қора денгизнинг Болгария тасарруфидоги қисми кемачилигида, ҳаво йўллари ва давлат чегараларида ҳам амалга оширилмоқда. Худди шундай хавфсизлик чоралари Саудия Арабистонининг Испаниядаги элчихонасида ҳам жорий этилди. «Ал-Жазира» телеканални тарқатган маълумотда айтилишича, элчихонани кучайтирилган тартибда қўриқлаш Саудия Арабистони ҳукумати илтимосига кўра бажарилмоқда.

Эслатиб ўтамоиз: шу ойнинг бошларида Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёда ҳам террорчилар кўпуровчилиги содир этилган эди.

ДАСТУР ЁПИЛДИ

Associated Press ахборот агентлиги маълум қилишича, БМТ ўзининг «Нефть ўрнига озиқ-овқат» дастури бўйича фаолиятини тамомла тўхтатди. Ироқ нефти савдоси бўйича тузилган барча шартномалар Ироқдаги Америка маъмурияти назорати-га топширилди.

БМТнинг банкдаги ҳисоб рақамига Ироқ нефти экспортдан тушган маблағларнинг барчаси АҚШ ва Буюк Британия бошқарувидаги Ироқни ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши лозим. Келгусида нефть савдосидан тушадиган маблағлар ҳам айнан шу ҳисобга ўтказилди.

Ироқдаги Америка маъмурияти тасдиқлашича, мамлакатни озиқ-овқат ва турли инсонпарварлик ёрдамлари билан таъминлаш келгуси йил июнча давом этади. Негаки, ўшанда АҚШ Ироқнинг ваколатли ҳукуматини тузишни ва нефть экспорти назоратини унга топширишни режалаб турибди.

Маълумки, БМТ томонидан жорий этилган «Нефть ўрнига озиқ-овқат» дастури 1996 йилдан амалда бўлган. Мазкур дастур Ироқ ҳукуматиға нефтни БМТ назорати остида сотиш имконини берган. Ундан тушган маблағ эса фақат озиқ-овқат ва аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар сотиб олишга ишлатилган.

Дастурнинг ижрочи директори Бенон Севаннинг айтишича, 7 йил давомида Ироқ умумий миқдори 31 миллиард долларлик озиқ-овқат ва дори-дармон сотиб олган. Яна 8,2 миллиард долларга тузилган шартномалар ҳали бажарилмаган. Шунинг учун ҳам кўзда тутилган инсонпарварлик ёрдамлари яқин ойлarda мамлакатга етиб келади.

BS
BURSEL
GROUP

«БУРСЕЛ» ГРУПП
ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва барча мўмин мусулмонларни ийд Ал-Фитр Рамазон ҳайити муносабати билан самимий қутлайди. Мустақил Ўзбекистон давлатининг иқтисодий жиҳатдан янада бақувват бўлишини тилайди.

Мана шундай саодатли, фараҳли ойда қилган барча ибодатларингизни, муқаддас Рамазон ойида тугган рўзаларингизни Оллоҳ таоло ўз даргоҳида қабул қилган бўлсин. Ўзбекистонда ҳаминша тинчлик-барқарорлик ҳукм сурсин. Инсонлар ўртасида аҳиллик, меҳр-оқибат йўқолмасин.

Ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

BS
BURSEL
GROUP

Кеча ва бугун

Ушанда ҳам ҳозиргидай тўкин куз эди. Пахта экиладиган қишлоқларда ҳаёт қайнади. «Пахтазор — зарбдор фронт»га айланарди. Шаҳар эса куз фаслида аксинча маълум муддат ҳувиллаб қоларди, чунки кўчаларни тўлдириб юрган талабаю ўқувчи ёшлар, санъат корхоналари ишчиларидан тортиб қурувчиларгача теримчи-га айланардилар. Улар баъзан янги йилга бир-икки кун қолганда, ўқишга, ишга қайтардилар...

Туну кун жонни жабборга бериб меҳнат қилганинг билан қосанг оқармасди. Пахтани собиқ марказ сув текинга олиб кетарди.

Уша кунлардаги мудҳиш хотиралар кўз олдимга келса, баданимга титроқ кирарди. Ва ўша замон суронли кечмишларининг гувоҳи сифатида озодлигимизга шукрона айтаман. Бугун истиқлол бағрида улғаяётган фарзандларимизнинг ёруғ келажаги ҳақида ўйласам, қалбимга бир нур оқиб кирарди.

Мен ушбу мақоламда истибоднинг бир аёл бошига солган аламли кунлари ҳақида ҳикоя қилиб, унинг авлодлари мустақиллик туфайли ер, мулк эгаси бўлганлигини кўрсатиб бермоқчиман. Бу эса ўқувчига яна бир бор озодлик қаҳри ҳақида сабоқ беради деб ўйлайман.

Биз ўрта мактабнинг битирувчи синфида эдик. Вилот газетасида бир гуруҳ ижодкорларнинг наманганлик пахтакорлар ҳузурида бўлишгани ҳақидаги хабар билан уларнинг дала-ларда ёзган асарлари босилиб қиди.

Улар орасида машҳур шоир Туроб Туланинг «Ширмоной» сарлавҳали газали ҳам бор эди. Мусиқийлиги, ёзилиш услуби билан бир ўқиганингдаёқ хотирангга миҳлаиб қоларди.

Ширмоной Мирсултонова оддий теримчи бўлиб, пахтакор деҳқон Мирсултон Фаёзовнинг қизи. Парвардигор уни гузал хулқу автор, гайрат ва ёқимтой чеҳра билан сийлаган эди. Боши меҳнатдан кўтарилмаган ота ва қиз бошқа қисматдошлари қатори пахта даласидан бошқа жойни билмас, туллари тоғларга улаб далада машаққат чекишарди.

Ширмоной Мирсултонова қисқа умри давомида турли лавозимларда ишлади. Ниҳоят йирик пахтачилик жамоа ҳўжалиги бошқарувининг раиси бўлди. Бу мўътабар аёл бахтсиз тасодиф туфайли 1974 йилнинг 13 июлида вафот этди.

...Мирсултон тоға хонадонидан — олти қиз, уч ўғил ўсарди. Туроб ака Ширмоной воситасида бу оиллага меҳр қўйганди. Улар эса широни ўз

оталаридай қадрлашар, Туроб тоға деб мурожаат қилишарди. Ширмонойнинг укалари Алижону Набижонлар, сингиллари Эрқиной, Шодихон, Уғилхон, Сафийхону Озодахонлар Тошкентга йўллари туша Туроб акани албатта йўқлашар, Туроб ака ҳам водийга келганларида Мирсултон тоға хонадонидан бир пиёла чай ичмай ўтмасдилар.

Кўп ҳолларда мен Туроб акага ҳамроҳ бўлардим ва китобхон оила билан шoir ўртасида шунчалик қонқариндошлик ришталари мустаҳкам болганганидан қувонардим. Балки, бунга Туроб акага хос ҳоқисорлик ва дилқашлик, назокат ва сўхбатдошни

Омад эмас, ўлим кучди-я!..
сатрлари шоирнинг Ширмоной воситасидаги армонлари эмасми?

Наманган — Тошкент автомобиль йўлининг Поп тумани худудидан ўтар экансиз, марказдан бироз юргач, «Мирсултонова номли ширкат ҳўжалиги» деган лавҳага кўзингиз тушарди. Бугун Мирсултон тоға ва Ширмоной бир умр тер тўкиб эгаллик қилмаган, захмати қадрланмаган, ўша далаларда уларнинг учинчи авлоди фермерлик қилмоқда. Ернинг ҳақиқий эгаси бўлган сулола давомчилари, боболар етолмаган орзулар ортидан дадил қадам ташламоқдалар.

дан тортиб, бугунгача сотилган пахтадан келажак даромадгача, ўтган йилги ишлар таҳлили билан бу йилги фаолиятни таққослашгача қафларининг чизигидай аён.

— Бобом далаларни отда кезган эканлар, агар юз гектар ерни кўздан кечирсалар, отларининг тўғи бирор ниҳолни босмаган экан, — дейди Камолитдин бобоси ҳақида гурур билан. — Ҳар битта ниҳолни авайлаш бизга мерос.

Балки шундандир, 212 тонна пахта топириш бўйича шартномавий режага эга фермер ҳўжалигида мўлжалдаги ҳосил етиштирилган. Қувонарлиси шуки, 90 фоиздан ортиқ пахта

турган худуднинг ободончилигига эришиш каби ниятлар ҳам бор. Шунинг учун ҳам Фаёзовлар тез тиббий ёрдам илмий маркази Поп тумани бўлимини ташкил этишга тўрт миллион сўмга яқин, болалар спорт жағмармасига уч ярим миллион, ободонлаштириш ишларига бир ярим миллион сўм маблағ ажратдилар.

Бу ҳали бошланиши, яқинда матбуотда эълон қилинган «2004-2006 йилларда фермер ҳўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони фермерликнинг янги-янги истиқболларини очиб берди. Улар юрт бойлигига бойлик қўшадилар, эл фаровонлигини ошириш йўлида камарбаста бўладилар. Фермерлик ҳаракатига алоҳида эътибор берилиши эса бу орзуларнинг ижобат бўлишига заминдир.

Ширмоной Мирсултонова номли ширкат ҳўжалиги идораси туман марказида — ҳокимлик биносининг шундоққина рўпарасида. Демак, экин майдонлари ҳам марказда. Шунинг учун ободонлаштиришга ҳисса қўиш Мирсултон ота фарзандларига ҳам қарз, ҳам фарз. Мамажон Раҳимов номли маданият ва истироҳат боғи бикинда янги пайдо бўлган замонавий гузарга кирган одамнинг баҳри дили очиларди.

Дароқе, пахтанинг ҳам, пахтакорларнинг ҳам қаҳрига пахта етиштириш етади. Шунинг учун «Поп пахта толаси» акциядорлик жамияти аъзолари Алижон Фаёзовни ўз бошқаруви раислигига сайлашди. У таъйинлардан чўчимади, ишига турули йўсинда аралашиларига йўл қўймади.

Наманган — Тошкент автомобиль йўлидан ўтар эканман, Поп худудида кўз ўнгимда обрў-эътибори ошгани сари аёллик назокати ёрқинроқ намоён бўлган Ширмоной опанинг ёқимли чеҳраси Мирсултон ота фарзандлари меҳнати билан Ширмонойнинг изларида гуллар унаётгани менда қувонч уйғотди, истиқлолимиз абадийлигига ишончимни мустаҳкамлайди.

Истиқлол нималарда намоён бўларди? Шу ҳақда ўйлаганимда мустақил Ватанинг раванқи йўлида қилган ҳалол меҳнатнинг самарасида, ўз топган даромадингни эркин сарфлаб, зўгу ишларга бош қўйганимда, бу кунларга етолмаган ажодларнинг орзуларини рўёбга чиқариш учун курашишга эмасми, дейман. Зеро, ўз еринг, ўз эркин қўлигидан экан, сендан бахтли одам йўқ.

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

Мутахассис фикри

ЕР ВА СУВ — БЕБАҲО БОЙЛИК

улардан Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалиklarида қандай фойдаланилмоқда?

Қорақалпоғистон — мамлакатимиз шимоли, Амударё қўйи оқимида жойлашган аграр ўлка. Республика миллий даромадининг 80-85 фоизи фақат деҳқончиликдан олинади. Бироқ, кейинги йилларда Орол фожияси, Амударё сувининг ҳаддан ташқари камайиб кетиши, бунинг устига сўнгги уч йилда юз берган қуроқчилик фақат қишлоқ ҳўжалигигагина эмас, балки халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Экологик муҳит қийинлашди...

Мазкур худудда сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида қандай ишлар амалга оширилаётганини ҳақиқат шарҳлаб беришни Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг сув ресурсларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди Рашид ҚОШЕКОВдон сўрадик.

— Мустақиллик йилларига қадр ер, сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш, Орол деңизининг қуриб бориши, Амударё сувининг кескин камайиб кетиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди ва оқибатда ер ҳосилдорлиги пасайиб кетди, — деди у. — Республикада сўғоришга яроқли 1,6 миллион гектар майдондан ҳозир 500 минг гектар майдоннинг 66,6 минг гектари ёки 13,3 фоизи яқин, 332,8 гектари ёки 66,6 фоизи қониқарли, 10085 минг гектари (20,1 фоиз) қониқарсиз топилади.

Тўғри, сўнгги йилларда худудда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ҳамда таъмирлаш борасида анча ишлар бажарилди. Масалан, ўтган йили 311 километр магистрал ва ҳўжалиklarаро коллекторларни тозалаш ишлари режалаштирилиб, амалда 449,4 километрлик иш бажарилди. Шу билан бирга капитал маблағ ҳисобидан 17,44 километр ёки 110 гектар майдондаги магистрал ва ҳўжалиklarаро коллекторлар реконструкция қилинди.

Бироқ, ҳали комплекс мелiorатив тадбирлар ичидан янги коллекторлар қуриш ва қайта қуриш, капитал ер текислаш ишлари маблағ етишмаслигидан бажарилмасдан қолапти. Бу эса табиийки, деҳқончилик маданияти ва ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

— Бу камчиликларнинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бордир?

— Бор, албатта. Биринчидан, туман ва ҳўжалиқ раҳбарларининг эътиборсизлиги. Очигини айтганда, улар бор имкониятлардан ҳали-ҳануз тўла фойдаланмаяптилар. Иккинчидан, туман ҳўжалиklarида мелiorатив техникалар эскирган. Уларнинг қўплари капитал таъмирга муҳтож. Таъмир учун эътиёт қисмлар сотиб олишга

эса маблағ йўқ. Ширкат ва деҳқон-фермер ҳўжалиklarида айланма иштиёрий маблағ етишмайди. Пахтага, шоллага, галлага марказлаштирилган ҳолда келаятган транш маблағлари ҳам гоҳида тўғридан-тўғри (кўрсатмаларга кўра) нефть маҳсулотлари, агрохимё ва МТПларга юборилмоқда. Ваҳоланки, қишлоқ ҳўжалигидан энг асосий тармоқлардан ҳисобланган ирригация ва мелiorация тадбирларига траншда тегишли маблағ алоҳида кўрсатилмаёттир. Ҳолбуки, бу ишларга алоҳида 2-3 фоизли маблағ кўрсатилиши лозим. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январь 8-сон қарори билан тузилган фермерларга ирригация-мелiorация хизматлари кўрсатувчи ташкилот — Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СФУ) фаолияти ҳам ҳозирча оқсак турибди. Фермерлар томонидан бажарилган ирригация-мелiorация хизматлари учун Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси халигача маблағни тўла тўламаган.

Қатор ҳўжалиklarда экинларнинг жойлаштирилиши, ер шароити, мелiorатив ҳолат, сув таъминоти сингари жараёнлар ва алмашлаб экиш схемаси инобатга олинмапти. Хусусан, беда-галла-пахта алмашлаб экиш усулига эътибор талаб даражасида эмас...

Сўхбатдошимиз мулоҳазаларидан маълум бўлдики, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалиklarида сув ресурсларидан фойдаланиш, айниқса, сўғоришнинг илгор усулларини амалиётга жорий этиш, ирригация-мелiorация тадбирларининг сифатли бажарилиши учун маблағ таъминотини яхшилаш борасида жиддий муаммолар мавжуд.

Мазкур худудда, қолаверса, бутун мамлакатимиз миқёсида қишлоқ ҳўжалиги тармоқларининг тугган макёи инобатга олинмаган бўлса, мавжуд муаммолар ечими ҳақида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мутасаддилари нима дер эканлар?

Сўхбатдоши:
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

**ШИРМОНОЙДАН
ҚОЛГАН ДАЛАЛАР**

АЖДОДЛАР БОСИБ ЎТГАН АЗОБЛИ ЙўЛЛАР ВА ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ ОЙДИН МАНЗИЛЛАР ТОМОН БОРАЁТГАН БУГУНГИ АВЛОДЛАР ҲАҚИДА

қадрлаш фазилатлари сабаб бўлган-дир, балки бу хонадондаги ҳалоллик ва дид-фаросат, нафосатта интилиш...

Ҳарқалай Ширмоной опанинг ҳалокати шоирга ўз жигаргўшасидан жудо бўлгандай таъсир қилди. Туроб ака таъзия билдириш учун келганларида Попа бирга бордик. Хонадондаги каттаю кичик, Мирсултон тоға, гамдий-да она Муножот ая ҳам, опанинг но-расида фарзандлари меҳрибон осалари бағрига отилиб кўз ёшлари қўл бўлди. Қабристонга бирга чиқдик. Шоир қабр бошида узоқ ўйчан ўтирди.

Уша лаҳзаларда шоир ўз хаёла-ри, армонлари оғушида эди. Уша пайтда Туроб ака хаёлидан нима ўтганини билмадим, аммо Ширмонойни мен ҳозир эсасам ўзимча ўйлайман: шунча меҳнат эвазига у бу дунёда нима қўрди, нимага эришди? Ҳаётининг бошидан охиригача пахта деб ўтди. Ҳалол ишлади, пуч гоёларга ишониб яшади. Ҳўжалиқ раҳбари бўлиб мустақил ҳеч нарсани ҳал этол-масди. Бирор бинони тиклаш учун йиллаб юқорининг руҳсатини кутар-ди, етиштирилган ҳосил раҳатини ўзлари кўрмасди...

Орадан бир неча кун ўтган, шоирнинг «Ширмонойга марсия»си ёзилди. Ундаги:
Оху эди гузал, оху эди, ҳайот,
Қоя тепасидан учди-я!
Қоя тепасида ёзганда қанот

Фермерлик ҳаракатининг дастлаб-ди йилларида, галла мустақиллиги учун кураш авж олган пайтда Алижон Фаёзов юз гектар ер олиб галла ва пахта етиштириш, чорвачилик қилишга азм этди. Ҳўжалиқ раҳбарлари, туман ҳокимлиги бу ташаббусни маъқуладди. «Тулпор» фермер ҳўжа-лиги вуқулга келди. Дастлабки йил-даёқ бу ҳаракат ўзини оқлади. Ҳозир «Тулпор» саккиз ёшга тўлгати. 100 гектар галла, 65 гектар ерда пахта етиштирилади. Ҳозирнинг 3 та чолик, 5 та прицепли тракторига эга. 70 киши шу фермер ҳўжалигидан деҳқончилик қилиб, бола-чақа боқади. Ҳозир йили режадаги 410 тонна ўрнига 750 тонна галла, 215 ўрнига 221 тонна пахта етиштириб, 91 миллион сўм даро-мад қилибди. 21 миллион сўмдан ор-тиқ соф фойда олибди.

Ҳар бир ишловчи 190 минг сўмдан пулга эга бўлган. Агар бунга 400 килодан олган галласи, томорқасидан келадиган даромадни қўшадиган бўлсак, ашнинг қўзини билган фермер одам-ларни ҳам, юртни ҳам бой қилишга қодирлиги ойнадай равшанлашади.

Бобоси ва аммасидан қолган бу қадрдон далалардаги фермер ҳўжа-лигини бугун йигирма икки ёшли ло-чин ниғоҳ Камолитдин Фаёзов бош-қармоқда. Унинг тиниқ фикри, ҳофи-заси бирорта ривожланган мамлакат-ларнинг ишбилармонларидан қолиш-майди. Ҳўжалигининг хар қарчир ери-

биринчи навларга сотилди. Галла ре-жаси-ку 150 фоизга бажарилиб, одамларга 500 килодан дон берил-ган.

«Тулпор» воситасида фермерлик ўзини кўрсатгандан кейин ҳосилдор-лиги пасайиб, режалари ўлда-жўлда қилиб кетаётган, номи «Машъал» бўлса-да сўниб бораётган ҳўжалик-дан 500 гектар ер Фаёзовлар тасар-руфига берилган эди. Мирсултон ота гектар галла, 65 гектар ерда пахта етиштирибди. Ҳозирнинг 3 та чолик, 5 та прицепли тракторига эга. 70 киши шу фермер ҳўжалигидан деҳқончилик қилиб, бола-чақа боқади. Ҳозир йили режадаги 410 тонна ўрнига 750 тонна галла, 215 ўрнига 221 тонна пахта етиштириб, 91 миллион сўм даро-мад қилибди. 21 миллион сўмдан ор-тиқ соф фойда олибди.

Ҳар бир ишловчи 190 минг сўмдан пулга эга бўлган. Агар бунга 400 килодан олган галласи, томорқасидан келадиган даромадни қўшадиган бўлсак, ашнинг қўзини билган фермер одам-ларни ҳам, юртни ҳам бой қилишга қодирлиги ойнадай равшанлашади.

Бобоси ва аммасидан қолган бу қадрдон далалардаги фермер ҳўжа-лигини бугун йигирма икки ёшли ло-чин ниғоҳ Камолитдин Фаёзов бош-қармоқда. Унинг тиниқ фикри, ҳофи-заси бирорта ривожланган мамлакат-ларнинг ишбилармонларидан қолиш-майди. Ҳўжалигининг хар қарчир ери-

128 гектар пахта майдонидан 30 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Фермерлик замирида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайитириш эва-зига юртни, Ватанини бойитиш, яшаб

Беруний «Ёғгар»
очик акциядорлик жамияти
Жамоаси

Юртимизнинг барча муслмонларини, азиз ватандошларимизни муборак Рамазон Ҳайити муносабати билан самимий табриклайди.

Хайр-саховат байрами бўлмиш ушбу кунларда барча инсонларга сиҳат-саломатлик, яхшилик ва баракот тилайди. Мана, янги асрнинг учинчи йили ҳам якунланиб бормоқда. Ўзбекистонимиз шу йилнинг ўзида иқтисодий-ижтимоий соҳада мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Корхонамиз жамоаси ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга муносиб ҳисса қўшаёттир.

Қутлуғ байрам кунларида Аллоҳ таолодан юртимизга тинчлик, халқимизга сараровонлик тилаймиз.

Обод маҳалла — мамлакат кўрпк

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР АМЕРИКАЛИКЛАР НИГОҲИДА

Маҳалла ҳалқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган ўз-ўзини бошқарувчи анъанавий тизимлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 12300 та маҳалла бўлиб, уларнинг ҳар бирида 3000 дан 10000 нафаргача аҳоли истиқомат қилади. 2003 йилнинг ҳукуматимиз томонидан Обод маҳалла йили, деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида унинг роли гоят муҳимлигини кўрсатиб берибди.

Шу ўринда савол туғилади: анъанавий тизим ҳаётимизнинг турли жабҳаларидаги янгиликларни, фуқаролик жамияти қуриш соҳасидаги мафкуравий ўзгаришларни қай даражада ҳаётга жорий этилди? Ана шу йўналишдаги ишларни ўрганиш юзасидан Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти илмий гуруҳи аъзолари 2003-2006 йилги Давлат илмий-техник дастурига киритилган «Миллий истиқлол гоёсини амалиётга татбиқ этишда маданият, маънавият, анъаналар ва менталитет асосида демократик тамойиллар тақомиллашувининг миллий хусусиятларини ўрганиш» номи лойиҳа бўйича Фарғона вилоятига илмий экспедиция ташкил этиб, дала тадқиқотларини ўтказиб қайтишди.

Тадқиқот Американинг NCEER — Евроосиё ва Шарқий Европа тадқиқотлари миллий кенгаши томонидан уч йиллик тарихчи олим: Вайоминг университетининг профессори Мариана Камп, Иллинойс университети профессор-антропологи Рассел Занка ва юрдошимиз тарих фанлари доктори Элёр Каримовлар томонидан Ўзбекистонда илмий тадқиқот ўтказиш учун ютиб олинган грант асосида олиб борилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар маркази молиялаштирган. Бундан мақсад демократик ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб борилган сиёсий ислохотлар чекка қишлоқларга қандай кириб борганлигини тадқиқ этишдир. Ўзбек маҳаллаларида демократик жараёнларнинг аҳоли ва ўтган асрнинг 20-30 йилларидаги миллий минтақавий тафаккурдаги демократик дунёқараш билан бугунги ҳалқимиз онгида шаклланаётган демократик дунёқараш ўртасида тадрижий ривожланиш масалаларига ойдинлик киритиш юзасидан изланишлар олиб борилди.

Шунга асосан тадқиқот давомида белгиланган саволнома асосида сўхбатлар ўтказиш кўзда тутилган эди. Респондентлар билан сўхбат ижтимоий фанларнинг «Oral history» оғзаки тарих методига асосланган бўлиб, 30 дан ортиқ респондент билан сўхбатлар олиб борилди. Ушбу услубнинг аф-

заллик томони шундаки, унда ОАВ ва илмий адабиётларда келтирилган фактлар демократлаштириш сиёсатини ўз ҳаётида амалий сиёбат кўраётган, ушбу сиёсатнинг афзал ва баъзи бир эътибор берилмаётган жиҳатларини ҳаёт тажрибаси давомида ҳис қилаётган фуқаролар сўхбатлари билан солиштириб, илмий таҳлил қилинади. Умумий ҳулосалар асосида илмий ва амалий кўрсатмалар ишлаб чиқилади.

Фарғона вилоятининг турли ҳудудларидаги 10 га яқин маҳалла фуқаролар йиғини раислари махсус саволнома асосида бугунги кунда ўзбек миллий анъанавий маҳалласининг ҳаётида демократик жараёнлар қандай кетаётганлиги ҳамда миллий анъаналар ва урф-одатлар фуқаролик жамияти қуриш тамойиллари билан қандай мутаносибликда амал қилиниши каби масалаларга ойдинлик киритишди. Эътиборлиси шундаки, ушбу йўналишда олиб борилган амалий тадқиқотлар ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилган ҳолда, ҳамжихатлик ва ҳамфикрликка асосланиб фаолият олиб бориш каби демократик принцип маҳалла тизимида йўлга қўйилганини намойён этди. Ўтказилган сўхбатлар давомида шу нарса маълум бўлдики, фуқароларнинг маҳалладаги бошқарув муносабатларида иштирок этишлари муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг сиёсий фаоллигини оширади, натижада эса демократик дунёқараш шаклланиб, воқеликка нисбатан тўғри баҳо бериш имкони яратилади.

Демократик тамойиллар асосида барно этилаётган ҳар бир жамият ўз мақсадларига эришиш учун янги шароитга мос умумий, умуминсоний қадриятларни, ижтимоий фикрнинг шакллантириши лозим. Таҳриба шуни кўрсатдики, анъанавий ҳаёт тарзида шаклланган маҳалла тизимида демократлаштиришнинг ўзига хос миллий хусусиятлари юз очиб борапти. Демократлаштириш сиёсатининг миллий хусусиятлари ҳақида ва тўпланган барча маълумотлар асосида Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти 2003-2006 йилги Давлат илмий-техник дастурига киритилган «Миллий истиқлол гоёсини амалиётга татбиқ этишда маданият, маънавият, анъаналар ва менталитет асосида демократик тамойиллар тақомиллашувининг миллий хусусиятларини ўрганиш (Фарғона водийси мисолида)» номи лойиҳа асосида янги илмий тадқиқотлар нашр этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Шаҳноза ГОИПОВА, ЎзРФА фалсафа ва ҳуқуқ институти докторанти.

Олис Қашқадарё воҳасидан бир танишим қизчасини етаклаб келди. Кўринишдан ҳеч бир нуқсонсиз тўққиз-ун ёшлардаги қизча — Гулжумор менга галати талаффузда салом берди. Қизчага ҳайратомуз тикилаётганлигимни кўрган Комрон ака қизининг яхши эшитмаслиги ва гапиролмаслигини наҳоят билан тўшунтирди. Қишлоқдан пойтахтга келишининг боиси ҳам болани мутахассисларга кўрсатиш ва даволатиш экан. Таълимнинг таъқидлашча, қаттиқ

САВОБ ИШЛАРНИ САҲОВАТЛИ ОДАМЛАР ҚИЛАДИ

шамоллаш ва дўхтирларнинг но-тўғри муолажаси натижасида болани ногирон бўлиб қолибди.

Сўраб-суриштириб пойтахтдаги 106-заиф эшитувчи болалар интернати тоғдик. Тоға ва саришталари кенг ҳовлидан бинога қирар эканми, йигит-қизларнинг имошидорлар орқали гаплашаётганини кўриб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Шу тоғда шукроналик туйғуси қалбимни эгаллади. Тўр муҳаси соғ бўла туриб, ёш умрини булар-бўлмас ишларга сарфлаш билан оғир бўлаётган, худо берган имконият — соғу саломатлигининг қадрига етмаётган ёшларни маърифатли бўлишга, эзгуликка даъват этгим келди.

Интернат раҳбари Феруза Йўлдошевани болалар орасидан тоғдик.

— Бу ерда тарбияланаётган бо-

лаларнинг 60 фоизи ирсий нуқсон ҳамда ичкилик оқибатида ногирон бўлиб дунёга келган. Қолганлари эса касаллик пайтида олинган муолажа натижасида шу аҳволга тушиб қолган. Маълумки, шамоллаш оқибатида зотилжамга чалинган болалар «Гентомицин» препарати билан эмланади. Кетма-кет эмлаш баъзи болага кучли таъсир этиб, эшитиш қобилиятини йўқотиши мумкин. Чет эл тажрибасида ҳар бир муолажадан сўнг бемор қони текширилади. На-

ўтказиш учун хоналар ажратилган. Болаларнинг 80 фоизи ётоқхона билан таъминланган. Тўрт маҳал иссиқ оват бепул тарқатилади. Интернатда хорижнинг «Меҳр лойиҳаси» дастури асосида «Ҳаёт нафаси» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тарбияланувчиларнинг бўш вақтларини кўнглили ўтказишга ҳаракат қилинмоқда. «Меҳр лойиҳаси» дастури томонидан интернатта болаларнинг эшитиш қобилиятларини ривожлантириш учун

тиббий ускуна совға қилинган. Бу ерда маийш хизмат техникаларини таъмирлаш ва бичиштириш тўғраракларини очиш мўлжалланмоқда. Аммо, тикув дастгоҳларининг тақчиллиги муаммо бўлиб турибди. Қизлар учун рақс тўғрарак мавжуд.

— Ўзбек халқи ҳамиша меҳр-муруватли, — дейди Феруза опа. — Ўзбекистон Миллий университети ҳомийлигида интернат биносини таъмирлаш ишлари йўлга қўйилди. Университет маъмурияти, шунингдек болаларимизни ўқув куроллари билан бекаму-куст таъминлаб турибди. Ўтган йили Ўзбекистон Мусулмонлари диний идорасига ёрдам сўраб мувожадат қилгандик. Улар ҳам эҳсонларини аямдилар.

Қишки спорт залида гарчи спорт анжумлари талаб даража-

сида бўлмаса-да, ҳар ҳолда зал шинамгина таъмирланган. Болалар бу ерда теннис, волейбол, шахмат-шашка, футбол ўйинлари ва ўзбек кураши билан шуғуллашади. Республика Карлар жамияти бу борада баҳоли-қудрат ёрдам бериб турибди.

Аммо, ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам талайгина. Ётоқхоналарда шкафлар етишмайди. Интернат бўйича стационар эшитиш мосламаси атиги бир донна. Ўқувчиларга навбат билан бу мослама орқали дарс ўтлади.

Болалар билан сўхбатлашганимизда, улар ҳам бошқа тенгдошлари қатори телевизор томоша қилишни, компьютер ўйинларига қизиқишлари катта эканлигини сездик. Шу ўринда мулоҳаза туғилади, телевидение орқали бериладиган баъзи кўрсатувлар сурдо тилига ўғирлиб, эфирга узатилса...

Болаларга шароит яратиш учун маъмурият қўлдан келганча ҳаракат қилмоқда. Айниқса, Феруза опа бу даргоҳга раҳбар бўлиб келгач, анча-мунча ижобий ишлар амалга оширилди. Муҳайё Шожонова, Нафиса Муродова ва Муҳаррам Холмухаммедовлар меҳнатидан отаналар миннатдор.

Дарҳақиқат, ҳамиша меҳр-муруватли саховатли халқ бўлиб келганимиз. Зеро, муқаддас китобларда етим бошини силаган, шафқат кўрсатган, ўқсик дилни меҳрга қондирганлар энг олижаноб ҳамда саоватбала инсондир, дея битилгандир.

Зеро, «Юртбошимиз кўп бор таъқидлаганларидек, «Саоват ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак».

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

Анжуман

ШОИР ВА ПРОКУРОРЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида илм-фан ва маданият вакиллари билан учрашувлар ўтказиш анъанаси айланган қолди. Яқинда ана шундай учрашувлардан бири Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги республика Давлат мулоқоти соҳиб, «Мулоқот» журналі бош муҳаррири Барот Бойқўбилов билан бўлиб ўтди.

Маълумки, Барот Бойқўбилов ўзбек халқининг мутафаккири шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳаёти, иқодий фаолияти хусусида қатор йирик асарлар яратган. Мулоқот чоғида шоир ўзининг «Янги ҳамса» асари яратилиш тарихи хусусида алоҳида тўхталди. Шунингдек, у янги ёзилган «Навоий Ватани» китоби ҳақида ҳам йирилганларга маълумот берди.

Учрашувни республика Бош прокуратурининг ўринбосари Пулат Бобожонов олиб борди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

ЧЎПОНЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Йил — ўн икки ой қўй-қўзи ортдан юрвчи чўпонларнинг қишқировли кунларда айниқса ташвиши янада ортишини, аниқроғи, «иссик жон иситмасиз» бўлмаслигини барча яхши билади. Ҳузор туманидаги «Пачкамар» қорақўлчилик ҳўжалигида қўлдан бўён ечилмаётган бу муаммо хал бўлди. Қорайла қишлоғида тиббий хизмат пункти қурилди.

Маблагни эса ҳўжалик тоғиб берди. Эндилқида мазкур пункт теваарак-атрофдаги бошқа қишлоқларга ҳам тиббий хизмат кўрсатади. Чўпонлар 25-30 километрлаб йўл босиб, туман марказидаги касалхонага қатнамайдиган бўлишди. Унда кундузи ётиб даволаниш учун ҳам шароит яратилди. Пунктга малакали шифокорлар бирқитилди.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

САФАРДАГИ САҲИЙЛИК (Бўлган воқеа)

дорҳожини кўрса четлаб ўтармиш. Эртаси кун Элдорхожи ҳамма юртдошларини эрталабки нонушадан сўнг тўплаб, «Азизлар, мени кўрганда хижолат бўлманлар, мен ўша 500 доллардан кечдим. Фисабиллоҳ», дебди ҳамроҳларига.

Элдорхожи юртга қайтиш олдидан Ҳарам шарифини яна бир бор зиёрат этиб, қайтаёса хизматчи унга қараб арабчалаб бир нималар деяётган эмиш. Элдорхожи тилмочдан «нима деди?»

деб сўрабди. «Ҳаменингни ол, эсингдан чиқариб қўйибсан деяпти», «Менинг ҳаменим чўнтагимда, эсимдан чиқарганим йўқ», — йўлида давом этибди у.

Меҳмонхонага кетаётганда хизматкор арабчалаб яна бир нималар деётганини эшитди. Яна тилмочдан «Нима деяпти бу араб?» — деб сўрабди. «Ҳаменингни олгин ахир, бу сеники деяпти», — дебди у.

Мени имтиҳон қилаётган бўлса керак, деб парво қилмай йўлида

давом этибди. Хизматкор унинг ортдан сира қолмай арабчалаб қуйиб-пишиб бир нималар деб жаврайверибди. Шунда тилмоч энди шу ҳаменим олмасанг бўлмайди, уч марта айтилди, эгаси чиқмади, энди «бу ҳамён сеники» дебди.

Элдорхожи ҳаменим олиб ичин очиб кўрса, унда 500 доллар турган эмиш.

Унинг кўнглидан ҳамроҳлари учун сарфлаган пул ўтибдию Яратганининг қароматида яна бир бор имон келтирибди. Ва ушбу маблақни бева-бечораларга сарф этаман, деб ўйлабди Элдорхожи.


Абдуқодирхожи ҚАЙОМОВ

«Ўзи» ЎЗБЕКИСТОН — ИНДОНЕЗИЯ КЎШМА КОРХОНАСИНИНГ САМАРКАНД ШАҲАР ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини бутун мусулмон уммати нишонлаётган Рамазон Ҳайити билан қизгин ва самимий муборакбод этади!

Маълумки, Ийд Рамазон инсонлар ўртасида аҳиллик, меҳр-оқибат ва мурувват уруғларини сочишга хизмат қилади. Зеро, ушбу байрам кунлари қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлар бир-бирларини қутлайдилар. Бир-бирларига фақат яхшилик тилайдилар.

Шундай улуг айём кунлари барча мусулмонларни қутлар эканмиз, юртимизда ҳамиша тинчлик, барқарорлик ҳукм сурсин. Ватандошларимизга доимо омад ёр бўлсин.



Беруний «Қият» очик акциядорлик

жамияти жамоаси

Муборак Ийд Рамазон
байрами муносабати билан барча
ватандошларимизни самимий табриклайди ва
эзгу тилакларини йўллайди!

Мана, 12 йилдирки, Мустақиллик шарофати билан халқимиз
Ҳайит айёмларини байрамон руҳда нишонламоқда. Ваҳоланки,
мустабид замонда бундай айёмларни ўтказишни ўйлашнинг ўзи
кўрқинчли эди. Шу боис биз Яратгандан Ватанимизни офату
балолардан асрашини, хонадонларга файз-баракот ато этишини,
барқарорликнинг бардавомлигини сўраймиз.

Ушбу тантана кунларида юртдошларимизга
сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларга
осойишталик ва тўкин-сочинлик тилаймиз.

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!



КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

2003 йил 25 ДЕКАБРЬ, 2004 йил 8 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН АУКЦИОН САВДОЛАРИГА
ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Навоий вилояти, Томди туманида жойлашган 4-сонли контейнерли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (4-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 13664 АҚШ доллари.
2. Наманган вилояти, Мингбулоқ туманида жойлашган 29-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (29-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 15700 АҚШ доллари.
3. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Тўрақўрғон шаҳрида жойлашган 13-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (13-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 22800 АҚШ доллари.
4. Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, М. Аъзам кўчасида жойлашган 10-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (10-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 25300 АҚШ доллари.
5. Наманган вилояти, Чуст тумани, Наманган кўчасида жойлашган 11-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (11-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 19650 АҚШ доллари.
6. Бухоро вилояти, Пешку туманида жойлашган 3-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (3-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 8662 АҚШ доллари.
7. Сурхондарё вилояти, Сарисоё туманида жойлашган 14-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (14-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 8214 АҚШ доллари.
8. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 28-уй манзилида жойлашган «Жайхун» сайёҳлик мажмуаси.
Бошланғич баҳоси — 925651 минг сўм.
9. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 232, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 10295,0 минг сўм.
10. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 231, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 10295,0 минг сўм.
11. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 225, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 10295,0 минг сўм.
12. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами

- 10 UZ 251, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 10295,0 минг сўм.
13. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 136, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 11582,0 минг сўм.
14. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 229, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 11582,0 минг сўм.
15. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 016, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 10295,0 минг сўм.
16. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 246, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 11582,0 минг сўм.
17. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 224, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 9008,0 минг сўм.
18. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 212, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 12869,0 минг сўм.
19. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 211, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 9008,0 минг сўм.
20. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 215, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 9008,0 минг сўм.
21. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 207, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 10295,0 минг сўм.
22. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 206, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 9008,0 минг сўм.
23. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 214, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 9008,0 минг сўм.
24. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 285, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 9008,0 минг сўм.
25. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 213, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 9008,0 минг сўм.
26. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 210,

- 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 9008,0 минг сўм.
27. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 255, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 9008,0 минг сўм.
28. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 280, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 10295,0 минг сўм.
29. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 284, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 9008,0 минг сўм.
30. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 176, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 11582,0 минг сўм.
31. «Опель Омега» русумли, давлат рақами 10 PA 205, 1999 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 16769,0 минг сўм.
32. «Опель Омега» русумли, давлат рақами 10 PA 208, 1999 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 21881,0 минг сўм.
33. «ДЭУ-Эсперо» русумли, давлат рақами 10 UZ 158, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 11363,0 минг сўм.
34. «ДЭУ-Тико» русумли, давлат рақами 10 AA 510, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 2658,0 минг сўм.
35. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 216, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 11582,0 минг сўм.
36. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 217, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 9008,0 минг сўм.
37. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 224, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 10295,0 минг сўм.
38. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 229, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 14156,0 минг сўм.
39. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 332, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 11582,0 минг сўм.
40. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 312, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.


41. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 UZ 319, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 14156,0 минг сўм.
42. «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат рақами 10 PA 248, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 12869,0 минг сўм.
43. «Опель Омега» русумли, давлат рақами 10 UZ 574, 2000 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 22672,0 минг сўм.
44. «Мерседес-Бенц 500 SL» русумли, давлат рақами 10 O 29 01, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 15057,0 минг сўм.
45. «БМВ-524 TD» русумли, давлат рақами 10 H 05 96, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 5986,0 минг сўм.
46. «ГАЗ-2410» русумли, давлат рақами 09 15 ТНБ, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 633,0 минг сўм.
47. РАФ-2203-01 русумли, давлат рақами 10 AD 933, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 765,0 минг сўм.

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан зақалат пули тўлаши шарт. Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржаси ва «Кимошди савдолари агентлиги»га мурожаат қилишлари мумкин.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-, 8-хоналар.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.
Факс: 136-06-17
www.rkmb. expro. uz
Лицензия рақами: 000004

Шеър ва шуур

БУЗОК БОБОЛАРНИНГ ҚУТМУҒ ЖОҚИ БОР



ШУКРУЛЛО, Ўзбекистон халқ шоири

БУ ВАТАН МЕНИКИ...

Яна боғларимга куз ранги кирди, Нақадар чирой бу, нақадар зўла!

Баҳор чиройига қиссە йўқ асло, Таъриф атомлайман ожиз тилимда,

Гул, райхон исимас мен учун азиз, Хатто муқаддасдир чангисан губор.

Дўстим, кўнглимдаги бу хайқирқидан, Зарра тугилмасин дилимда озор.

Хали кўнглимда йўқ орам, ҳаловат, Мангу сургим келар байрам наъбасин.

Қачонки ноҳақлик, Қачонки риё, Бу менинг юзимга доғдир, маломат.

Фарёд оташида қалбим ёнади, Ўчаб булармикан ватан меҳрини,

Топилган шараф, қилинган зўроқ, Ватанимнинг шаънини акс этар кўзга.

Она Ватаним деб атайди ахир, Жаҳон туркийлари Ўзбекистони.

ЗИЁРАТГОҲ

Ҳаётда не қуфрат, фожисалар бор, Одамлар бошида не-не кўрсалик!

Севгидек нима бор олий, муқаддас! Ким ўзин қилмайди бу ўйла қурбон!

Наҳотки бўлмаса муҳаббатда рашиқ, Ахир бўлаймиқ севадга риё.

Қалбни ўртаганда рашиқнинг оташи, Ёрин умрин хазон қилсалар қалми?

Ё ўлиш, ё қолиш! Аммо она-чи? Азоблардан тўйиб захар ҳам ичмас.

Жафолардан фақат ўлиб қутулар, Жонидан кечару фарзанддан кечмас!

Нима бор улурқоқ она меҳридан? Нақадар очкиқдир у тўққан кўз ёш!

Ёз кетди. Дарихталар сўлган тус алди, Непидир дардида ранги зафарон.

Қўм-қўқ либослари ерга тўқилди, Ури урган хаби қолди алағоч.

Япроқларнинг тонги қўшиги қани? Мапа, изгириндан ранги зафарон.

Чулгаган човларчи ноҳуш бир хаёл, Кўнглим ниманидир тортганида гап.

Бусун хаёл билан ҳовли айланиб, Гуллагани кўрдим буатурси нисол.

Бир дана нишона, фақат бир дана, Мени хаби қилди дардан бир нафас.

Отпирган давлатим тажани беролмас, Ўзодан дўстларим етиб келгунча.

Нақадар сеҳрар нафисинг занжири, Болларда бир нафас на хузур қилмоқ.

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан ХАЛҚ БАНКИ. Сизларга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва оилавий бахт тилаб, янги «Байрам тухфаси» - қисқа муддатли, ютуқли омонат турини тақлиф этади. Омонатга пул маблағлари 100 кун муддатга, камида 5000 сўм миқдорида Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Спорт

«ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ТЕРРОРИЗМ ВА ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ»

ШИОРИ ОСТИДА НАМАНГАНДА ТАЭКВОНДО БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Наманган шаҳридаги «Пахлавон» спорт-соғломлаштириш мажмуида ёшлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан юз нафардан зиёд қора белбоғ соҳиби бўлган таэквондочилар голиблик учун татамига чиқдилар.



би), Фарход Рустамов (II ДАН), Аъзамжон Ажибеков (III ДАН, учаласи ҳам Тошкентдан)лар олтин медал билан тақдирландилар. Қизлар ўртасида эса Олесия Пень (I ДАН, Тошкент вил.), Уғилло Машрапова (II ДАН, Андижон) ва Лаура Қушинбетова (III ДАН, Сирдарё)лар шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдишиди.

Ҳурматли юртиндошлар!

Сиз, азизларни Улуғ айём — Рамазон ҳайити билан Халқаро Шароф Рашидов хайрия жамгармаси аҳли номидан чин қалбдан муборакбод этамиз!

ҳам тугаллик билан қутиб олиш насиб этсин. Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига ҳеч қачон кўз тегмасин.

«Баҳо» масъулияти чекланган жамияти баҳолаш тури бўйича қўйидаги ишларни бажаради. 1. Асосий воситаларни қайта баҳолаш. 2. Қўчмас мулкни баҳолаш.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти партияннинг Косон туман кенгаши биринчи котиби

«ОСИЁ-ВЕСТ» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси жамоаси. Ўзбекистон халқини муборак Рамазон ҳайити муносабати билан самимий табриклайди! Ушбу саҳоватли айёмда Яратгандан мамлакатимиз аҳлига ва мусулмон умматига давомий тараққиёт, хайр-баракот, тинчлик ва фаровонлик ато этишини сўраймиз. Байрамингиз қутмуғ бўлсин, азизлар!

Table with contact information for Bosh Muharrir, Muassis, Viloyat Muxbirlari, Manzilimiz, and other editorial details.